

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факультет: «Банк-молия хизматлари»

Кафедра: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»

“Ҳимояга тавсия этилади”

Кафедра мудири: _____

и.ф.д., профессор Уразов К.Б.

2017 йил « ____ » _____.

Баённома №__ 2017 йил _____

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

таълим йўналиши бўйича БХ 113 гуруҳ талабаси

Қобилов Усмоннинг

**ДОН МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА
ТМЗЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ
(“САМАРҚАНДДОНМАХСУЛОТЛАРИ” АЖ МИСОЛИДА)
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: ассистент У.А.Ширинов

САМАРҚАНД - 2017

КИРИШ.....	3
 I-БОБ. ТМЗЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.ТМЗларнинг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги тавсифи.....	6
1.2.ТМЗлар ҳисобининг вазифалари ва уларни юритиш тамойиллари..	10
1.3.ТМЗлар аудитининг мақсади ва вазифалари.....	12
 II-БОБ. “САМАРҚАНДДОНМАХСУЛОТЛАРИ” АЖда ТМЗЛАР ҲИСОБИ	
2.1. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖда ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби.....	14
2.2. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖда тайёр махсулотлар ҳисоби	17
 III БОБ. “САМАРҚАНДДОНМАХСУЛОТЛАРИ” АЖДА ТМЗЛАР АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ	
3.1. ТМЗлар аудитининг ташкилий асослари.....	27
3.2. ТМЗлар кими ва чиқимининг аудити.....	34
3.3. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.	41
 ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	55
 ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	70
 ИЛОВАЛАР.....	73

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётимизни ривожлантиришда мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқаришни юқори даражада олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Биргина 2016 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми -6,6 фоизга, чакана савдо айланмаси - 14,4 фоизга, хизматлар ҳажми 12,5 фоизга ўсди.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилган вазифалар белгиланган.² Ушбу вазифалардан келиб чиқиб ҳар бир соҳани ривожлантириш бўйича аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда миллий маҳсулотлардан фойдаланиб сифатли ва бозорбоп тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосий масалалардан биридир. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги битирув малакавий иш мавзусини танлашга асос бўлди.

Битирув малакавий ишмавзусининг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда ТМЗлар ҳисоби ва аудити масалалари республикамиз олимлари Ё.А.Абдуллаев, К.Б.Уразов, Р.А.Абдуллаев, А.И.Алиқулов, Ҳ.Н.Мусаев, Р.Д.Дўстмуродов, А.В.Ваҳобов, М.М.Тўлаҳаджаева, М.Қ.Пардаев, Б.А.Ҳасанов ва бошқаларнинг монографиялари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва илмий мақолаларида ўз аксини топган. Уларнинг ишлари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Мавзунинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Битирув малакавий ишнинг мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот. – “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони: “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” (ПФ-4947-сон).

институту “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ва мазкур доирада бажарилди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Ишнинг мақсади корхона ТМЗлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва амалий масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Қуйилган мақсаддан келиб чиқиб, битирув малакавий ишнинг вазифалари қуйидагиларга қаратилди:

- ТМЗларнинг мазмуни ва аҳамиятини назарий жиҳатдан ўрганиш;
- ТМЗлар ҳисоби ва аудитининг вазифаларини белгилаш;
- ТМЗларнинг ички ва ташқи аудити услубиёти билан танишиш;
- ТМЗлар ҳисоби ва аудитини янада яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд шаҳрида жойлашган “Samarqanddonmahsulotlari” акционерлик жамияти фаолияти, ушбу корхонанинг бухгалтерия ҳисоби хизмати маълумотлари ва ҳисоботлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Битирув малакавий ишнинг предмети корхона фаолияти, ТМЗлар ва уларни ҳисобга олиш, аудиторлик текширувларидан ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар ва муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Битирув малакавий ишнинг назарий ва методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, маърузалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлигининг йўриқномалари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартлари ҳамда махсус адабиётлар ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида мантиқий ёндашув, билиш назарияси, ҳужжатлаштириш, гуруҳлаш, счётларда икки ёқлама ёзув, баланс, солиштириш, анализ, занжирли боғланиш, ҳисобот усулларида фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иш кириш, учта боб ва хулосадан иборат. Битирув малакавий иш **76** бетдан иборат бўлиб, унинг таркибида жадвал ҳамда чизмалар мавжуд. Ишда фойдаланилган меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, интернет сайтлари ва битирув малакавий иш мавзусига тегишли бўлган иловалар келтирилган.

I-БОБ. ТМЗЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.ТМЗларнинг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги тавсифи


Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини янада ривожлантириш масаласи ётади. Бунга хўжалик юритувчи субъектлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати ва уларни бозорда сотиш ҳажмининг кўпайиши эвазига эришиши мумкин. Шу боисдан ҳам республикаимизда бугунги кунда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифатини ошириб, четга экспорт қилишни ҳам олдиларига мақсад қилиб қўймоқдалар. Шу билан бирга кўплаб корхоналар чет давлатларга ўзларининг маҳсулотларини экспорт қилмоқдалар. Президентимиз ҳам ўзларининг вилоятларга ташрифларида экспорт боп таёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида фикрларини айтиб келмоқдалар. Жумладан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифида “Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш давр талаби”³дир деб таъкидлаганлар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларда товар моддий захиралари муҳим ўрин тутди. Хўжалик юритувчи субъектларда товар моддий захираларидан тежаб унумли фойдаланиш ва оқилona сарфланишига эришиш орқали, маҳсулот таннархида моддий харажатлар салмоғини минималлаштиришга эришилмоқда. Бу эса, аввало, корхона фаолиятини ривожлантиришда ва бу орқали мамлакатимиз иқтисодиётини гуллаб-яшнашида халқимизнинг моддий фаровонлигини оширишда муҳим рол эгаллайди.

Товар-моддий захиралар - кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий

³ Ш.М. Мирзиёев Халқимизнинг розилиги барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаидир. Халқ сўзи. 29.03.2017.

вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар.
ТМЗларни ўз навбатида 3 гуруҳга ажратиш мумкин.



1 чизма. Товар моддий заҳиралар таснифи.

Ишлаб чиқариш заҳиралари – бу кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юрутиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларини ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган активлар.⁴

Ишлаб чиқариш заҳиралари – бу ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи меҳнат предмети.⁵

4-сон БҲМС «Товар-моддий заҳиралар» га мувофиқ, ишлаб чиқариш заҳираларига қуйидаги кўринишларга эга бўлган активлар киради:

- ❖ Хом- ашё ва материаллар- маҳсулот (иш, хизмат) ни ишлаб чиқариш (бажариш)да унинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат предметлари;
- ❖ Ярим тайёр маҳсулотлар (полуфабрикатлар) –бу ишловнинг маълум технологик босқичларидан ўтган, лекинда мустақил тайёр материал

⁴ "Товар моддий заҳиралар" 4-сонли БҲМС Т.: "NORMA", 2010.

⁵ К.Б. Уразов Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: "O'qituvchi", 2004.

сифатида тан олиниши мумкин бўлмаган, кейинги ишлавга муҳтож меҳнат предметлари;

❖ Бутловчи қисмлар – бу буюмни бир бутун ҳолатга келтиришда зарур бўлган қисмлари.

❖ Ёқилғи –бу ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёқилғилар (бензин, керосин, саярка, суюлтирилган газ ва бошқалар);

❖ Мойлаш материаллари –бу техник воситаларни ишлатишга кетадиган солидол, афтол 8кала каби мойлар.

❖ Эҳтиёт қисмлар –бу техник воситаларнинг таркибий унсурлари (поршен, гилза, баллон, камера ва бошқалар);

❖ Курилиш материаллари – бу объектларни қуриш, таъмирлашда қўлланиладиган материаллар (ғишт, тахта, семент ва бошқалар);

❖ Ем-хашаклар – бу корхоналарнинг балансида турган ҳайвонларни сақлаш, ўстириш, боқиш учун /етиштирилган, сотиб олинган омухталар, кўкат ўтлар, силос, ёнтоқ, самон каби ем-хашаклар.

❖ Тара- бу маҳсулотларни ўрашда, ташишда, сақлашда ишлатиладиган активлар (бутулка, бочка, яшик , халта ва бошқалар);

❖ Ишлаб чиқариш заҳираларига юқоридагилардан ташқари истесно тариқасида инвентарлар ва хўжалик буюмлари, шунингдек ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳам киради.

Ишлаб чиқариш заҳиралари ишлаб чиқаришдаги ролига кўра асосий ва ёрдамчи заҳираларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш заҳираси деганда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни асосий компонентини ташкил этадиган хом – ашё материаллар тушунилади. Масалан: машинасозлик саноатида асосий материаллар бу: металл, прокат, тикув фабрикаларида – газлама киради.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш заҳираси деганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига кириб, уларда сифат ўзгаришлар ҳосил қилади, яъни маҳсулотга чирой беради, мазасини ўзгартиради, лекин унинг асосини ташкил қилмайди ёки ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат воситаларини

таъмирлаш, созлаш учун ишлатилади ёки меҳнат жараёни учун керакли шароит яратиб бериш учун хизмат қилади.

Тайёр маҳсулот деганда ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортиқ қайта ишловни талаб қилмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга қабул қилинган тайёр буюмлар тушунилади.

Корхона маҳсулотни истеъмолчилар билан тузилган шартномалар, режа топшириқлари асосида бозор талабларини ўрганиш каби масалаларга катта эътибор берган ҳолда ишлаб чиқаради. Ҳозирги шароитда самарадорлиги юқори бўлган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Уларда маҳсулот реализацияси муҳим иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.


Корхонанинг фаолият турига қараб у ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар турлича бўлиши мумкин. Масалан, машинасозлик заводининг тайёр маҳсулоти бўлиб енгил ёки юк ташиш автомобиллари, нон комбинатининг тайёр маҳсулоти бўлиб – нон ва нон маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик корхонасининг тайёр маҳсулоти бўлиб етиштирилган мева-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар корхонада олиб борилган ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси ҳисобланади. Уларни тайёрлашга кетган харажатлар корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини, шунингдек тайёр маҳсулотнинг таннархини ташкил қилади.

Тайёр маҳсулотлар корхоналарнинг айланма активларининг муҳим тури ҳисобланади. Уларнинг айланиш тезлиги талаб ва таклифга, сифатига, ишлаб чиқарилган ҳажмига, баҳосига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Ўз навбатида тайёр маҳсулотларнинг харидорлигига сотиш ҳажми, пул тушумлари, даромад ва бошқа кўрсаткичлар бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тайёр маҳсулотлар бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

1.2.ТМЗлар ҳисобининг вазифалари ва уларни юритиш тамойиллари

Маълумки бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси корхоналарда ҳисоб объектларининг тўғри ҳисобга олиниши, уларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва ҳисоботларда тўғри акс эттирилишини таъминлашдан иборатдир. Умумий вазифалардан келиб чиқган ҳолда ТМЗ бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:



2-чизма. ТМЗ бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг бир маромда ишлашига, омбор хўжалиги ва маҳсулот сотишни тўғри ташкил қилишга, хўжалик операцияларининг хужжатларда ўз вақтида расмийлаштирилишига боғлиқдир.

Корхоналарда тайёр маҳсулотлар бўйича тамойилларни ишлаб чиқишда, аввало, Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунида кўрсатилган тамойилларга таянилади. Зеро, республикамизда бухгалтерия ҳисоби бўйича барча ҳуқуқий муносабатлар ушбу қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Қонуннинг 3-моддаси ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт (БХМС) ларига мувофиқ тайёр маҳсулотларни тан олиш ва ҳисобини юритишнинг қуйидаги тамойилларини келтириш мумкин:

1-жадвал

Тайёр маҳсулотларни тан олиш ва ҳисобини юритишнинг тамойиллари

№	Тамойилнинг номи	Тайёр маҳсулотларнинг ҳисобида қўлланилиши
"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунида		
1.	Узлуксизлик	Бу тамойил корхонанинг доимо ҳаракатдаги субект, яъни ўз фаолиятини келгусида давом эттирувчи ва ривожлантирувчи субект сифатида қарайди. Шунга кўра, тайёр маҳсулотлар ҳам узлуксиз ҳисобга олиб борилади.
2.	Кўрсаткичларнинг қийсанувчанлиги	Тайёр маҳсулотларни ифодаловчи ахборотлар фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотлар билан қийсанадиган бўлиш керак. Ҳисоботдан фойдаланувчилар ушбу ҳисобот қайси усулларга, тамойилларга мувофиқ тузилганлигини билиши лозим. Агар ўтган даврдаги ҳисобот кўрсаткичлари билан жорий ҳисобот давридаги ҳисобот ўртасида фарқ бўлса ўтган давр ҳисоботини ҳам қайтадан таснифлаш лозим, агар таснифлашнинг (ўзгартиришнинг) иложи бўлмаса ушбу қисмда тушунтиришлар, ёхуд характери очиб берилиши лозим.
3.	Ишончлилик	Ахборотда муҳим хато ёки ғаразлилик бўлмаса ва фойдаланувчилар унга таянишлари мумкин бўлса, ишончли ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби бўйича маълумотлар хато бўлмаслиги лозим.
Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида		
4.	Бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш	Бу тамойилнинг маъноси шундан иборатки юз берган операциянинг суммасини бир вақтнинг ўзида икки ҳисобда, яъни бир ҳисобнинг дебетида ва иккинчисининг кредитида акс эттирилишини билдиради
5.	Ҳўжалик операциялари, активлар ва пасивларни пулда баҳоланиши	Бу тамойил юз берган тайёр маҳсулотларни миллий валютада, яъни сўм ва тийинларда акс эттиришни билдиради.
6.	Аниқлилик	Бу тамойил ҳисобда акс эттирилган ҳар бир тайёр маҳсулотлар суммасининг қатъий ҳужжатли асосга эга бўлишлигини билдиради.
7.	Ҳисоблаш	Бу тамойил тайёр маҳсулотларни юз берган вақтига кўра тан олишни ва шу вақтдан бошлаб уларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботда акс эттиришни билдиради.
8.	Олдиндан кўра билиш(ехтиёткорлик)	Бу тамойил корхона ҳисоботларида тайёр маҳсулотларни қўп (кам) қилиб кўрсатмасликни ифодалайди. Бу тамойилни қўллаш яширин резервларни вужудга келтириш, бирон бир мақсадда

		тайёр маҳсулотларни кўпайтириб (камайтириб) кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.
9.	Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги	Бу тамойил ҳисобот даври тайёр маҳсулотлар бўйича харажатларга шу даврда реал даромад келтирган қисмини киритишни билдиради.
10.	Тушунарлилик	Бу тамойил тайёр маҳсулотларни ифодаловчи ҳисоботларнинг модалари ахборот фойдаланувчилари учун тушунарли бўлишлигини билдиради.
11.	Тугалланганлик	Бу тамойил тайёр маҳсулотлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг бирон-бир ҳисобот даври учун жамланганлигини билдиради.
12.	Тезкорлик	Бу тамойил тайёр маҳсулотлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни бошқарув органларига керакли муддатларда ва ҳажмда етказиб беришни билдиради. Ахборотнинг муҳимлиги ҳам нисбий тушунча бўлиб, у фақатгина ўз вақтидагина муҳим бўлади, кечиккан ёки муддатидан олдин берилган ахборотнинг роли пасаяди.
13.	Мазмуннинг шаклдан устунлиги	Бу тамойил тайёр маҳсулотлар агар ҳисоб-китоб ҳужжатларида ва молиявий ҳисоботда ахборот операциялар ва воқеаларнинг мазмунини ишончли даражада акс эттирса, бундай ахборот унинг ҳуқуқий шакли билангина эмас, балки моҳияти ва иқтисодий реаллиги билан мувофиқ ҳолда ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур.


1.3. ТМЗлар аудитининг мақсади ва вазифалари

Товар моддий захираларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади уларнинг сақланиши, тежамли ва оқилона ишлатилиши, ҳисобга олишнинг тўғри ташкил этилишини аниқлашдан иборат. Шунингдек, ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини ва ишлаб чиқариш захиралар билан боғлиқ муомалалар ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш лозим. Ушбу мақсадга муомалалар моҳиятини, ҳамда назорат тузулмаси ва бухгалтерия ҳисоби тизимини текширувдан ўтказиш ва рискларни баҳолаш орқали эришилади. Захираларни текшириш, улар ҳажми катта бўлган корхоналарда аудитнинг асосий қисми деб қаралади.

Товар моддий захиралар бўйича ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини текширишда бошқа аудит объектларидаги каби, даставвал, баланснинг «Ишлаб чиқариш захиралари»(120-сатр), «Тугалланмаган ишлаб чиқариш (130-сатр)», «Тайёр маҳсулот»(140-сатр), «Сотиш учун олинган товарлар»(150-сатр) деган моддалари, Бош дафтар, журнал-ордерлар ва бошқа ҳисоб регистрлари орасидаги тенгликни аниқлаш зарур. Шу билан бирга, синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларининг мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши муҳимдир. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш харажатларига олиб бориш ва уларнинг баҳоларини текшириш, ишлаб чиқаришга сарфлаш меъёрлари, тайёр маҳсулотларни омборларга кириш қилишда таннархларнинг тўғрилиги ва бошқаларни текшириш зарур. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга даъво қўзғатишнинг ўз вақтидалиги ва тўғрилиги ҳамда йўлдаги материаллар қолдиғининг ҳаққонийлигини ҳам текшириш керак.

Йўлдаги моддий бойликларни текширишнинг вазифалари: йўлдаги моддий бойликлар сифатида ҳисобда турган ҳар бир жўнатишнинг асослилигини аниқлаш, юкларни етказиб бериши муддатларининг ўтиб кетмаганлигини аниқлаш, хўжалик томонидан юкларни қидирув чораларининг кўрилишини аниқлаш, бош бухгалтер ва таъминот ходимлари томонидан йўлдаги моддий бойликларни ҳисобга олиш устидан назорат ўрнатилиши кабиларини аниқлашдан иборат. Булардан ташқари ҳисоб маълумотларининг ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга мос келиши ва товар маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳисоботларда қўшиб ёзиш фактлари аниқланади.

Текширув жараёнида аудитор қуйидагиларни аниқлаши лозим:



3-чизма. Аудитор текширув жайраёнида аниқлаши лозим бўлган маълумотлар.

ТМЗларни текширишда қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

1. Моддий бойликларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва беришга алоқадор меъёрий ҳужжатлар.
2. Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ.
3. Товар - моддий захиралар билан боғлиқ муомалаларни расмийлаштиришга доир дастлабки ҳужжатлар.
4. Ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва материаллар.
5. Ишлаб чиқариш захираларни ҳисобга олишга доир бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботлари.

Аудитор текширувга киришиш чоғида текширувнинг ушбу соҳаси бўйича танланган ҳисоб юритиш усуллари ва услублари тўғрисида ахборотга эга бўлиши лозим. №4-«Ишлаб чиқариш захиралар» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти талабларига мувофиқ корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруғида ишлаб чиқариш бойликларни ҳисобга олиш-

нинг услубий жиҳатлари, хусусан қуйидагилар ҳақидаги ахборотлар акс эттирилиши лозим:

Мижоз корхона раҳбарияти, у ёки бу ҳисоб юритиш тамойили молиявий натижага таъсир қилишини билсада, ҳисоб сиёсатига киритилган маълумотларнинг зарурлигига кўп ҳолларда етарли аҳамият бермайди. Мана шунинг оқибатида ҳар хил қоидабузарликлар келиб чиқади. Улардан энг кўп тарқалгани танланган ҳисоб юритиш усулларига ёки уларни қўллашда изчилликка риоя қилинмаслиги ҳисобланади.

ТМЗларни ҳисобга олишда қўлланиладиган дастлабки ҳужжатлар шакллари корхонадаги моддий қийматликларнинг турлари ва гуруҳларига боғлиқ. Қўлланиладиган дастлабки ҳужжатларда барча зарур реквизитлар бўлиши шарт. Бундай дастлабки ҳужжатларга қуйидагилар киради: моддий қийматликларни олиш учун ишончномалар, кирим ордерлари, материаллар, инвентар ва хўжалик ашёларини киримга олиш ва ҳисобдан ўчириш далолатномалари, лимит-забор карталари, талабнома-накладнойлар, товар-транспорт накладнойлари, омбор ҳисоби карточкалари ёки дафтари.

Ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа маълумот манбаларига қуйидагилар киради:

- * корхона раҳбарининг буйруғи (ёки фармойиши) директор кенгаши мажлисининг баённомалари, таъсисчилар ва бошқа комиссиялар йиғилиш қарорлари. Агар корхона устав капиталининг миқдорини шакллантириш ёки ўзгартириш чоғида улуш сифатида материаллар, инвентар ва хўжалик ашё-лари, товарлар қўшилган бўлса, шунингдек, агар дивидендлар ёки даромад-лар моддий қийматликлар билан тўланса ушбу ҳужжатларни ўрганиш аудитор учун ўта муҳим аҳамият касб этади;
- * корхонада ўтказилган аудиторлик текширувлари ўтган йиллардаги ҳисоботлари;
- * товарлар, материаллар, хомашёлар ва ҳоказоларни етказиб бериш шартномалари;
- * моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар.

Аудиторнинг корхона ходимлари билан раҳбарият таркибидаги, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги суҳбатлари текширув учун зарур қўшимча ахборотлар бериши мумкин. Бундай ўзгаришларнинг натижалари ишчи ҳужжатларда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

II-БОБ. “САМАРҚАНДДОНМАХСУЛОТЛАРИ” АЖда ТМЗЛАР ҲИСОБИ


2.1. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖда ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби

Ҳозирги кунда юртимизда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Жумладан аҳолига ун ва ун маҳсулотларини етиштириб бериш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да ҳам фаолиятни ривожлантириш ва маҳсулот турларини сони ҳамда сифатини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ юридик шахс ҳисобланиб, фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ўз уставига асосан юритади. Ушбу корхона ўзининг мустақил балансига, муҳрига, штампига, статистик кодларига ва “Агробанк” филиалида ўз ҳисоб рақамига эга.

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Якубовский кўчаси, 4-уй. Жамиятга юридик шахсни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Самарқандшаҳар ҳокимлигининг 2014 йил 19 сентябрда № 11710 сонли реестр рақами билан № 07440-сонли гувоҳнома берилган.

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топган. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1800 сўм қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарорига асосан жамиятнинг устав фонди 598249,8 минг сўмни ташкил қилади ва у қуйидагича таснифланган:

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ устав фондининг тақсимооти

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ устав фондида "Ўздонмахсулот" АКнинг улуши- 51%, яъни 305107,2 минг сўм ёки 169504 дона акциядан иборат, меҳнат жамоасининг улуши – 6,2%, яъни 37130,4 минг сўм ёки 20628 дона акцияни, чет инвесторлари улуши – 29,98% , яъни 179326,8 минг сўм ёки 99626 дона акцияни, эркин сотувдаги улуши – 12,82 %, яъни 76685,4 минг сўм ёки 42603 дона акцияни ташкил қилади.

Корхонанинг активлари ва уларнинг манбалари қуйида келтирилди:

2-жадвал**“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ нинг 2016 йилдаги активлари ва уларнинг манбалари тўғрисидаги маълумот**

(мингсўм)

№	Корхона активлари ва уларнинг манбалари	2016 йил бошига	2016 йил охирига	Фарқи (+,-)
1.	Узоқ муддатли активлар	8785043,0	8709120,0	-75923,0
2.	Жорий активлари	82038874,0	102952397,0	20913523,0
	Жами	90823917,0	111661517,0	20837600,0
3.	Ўз маблағлари манбалари	5068440,0	5274053,0	205613,0
4.	Мажбуриятлар	85755477,0	106387464,0	20631987,0
	Жами	90823917,0	111661517,0	20837600,0

Аксиядорлик жамиятининг 2016 йилнинг охиридаги узок муддатли активлари 8709120,0 мингсўм бўлган. Ушбу кўрсаткич йил бошида эса 8785043,0 минг сўмни ташкил қилган, яъни 75923,0 минг сўмга камайган. Аксиядорлик жамиятининг активлари таркибида жорий активларнинг ҳиссаси 2016 йил охирида 30,8 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич йил бошида эса 37,4 фоизга тенг бўлган ёки 497461,0 минг сўмга камайган. Корхонанинг мажбуриятлари йил бошидагига нисбатан 20631987,0 минг сўмга кўпайган. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг ҳисобот йилидаги асосий молиявий кўрсаткичлари қуйида келтирилди .

3-жадвал


**“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ нинг 2015-2016 йилдаги асосий
молиявий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	Фарқи (+;-)
1	Махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан соф тушум	54 685 395,0	64 447 687,0	9 762 292,0
2	Сотилган махсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннари	47 888 752,0	55 177 635,0	7 288 883,0
3	Махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан ялпи фойда	6 796 643,0	9 270 052,0	2 473 409,0
4	Давр харажатлари	6 166 133,0	7 167 846,0	1 001 713,0
5	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	1 051 576,0	180 311,0	-871 265,0
6	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	1 682 086,0	2 282 517,0	600 431,0
7	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	17 644,0	20 238,0	2 594,0
8	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	1 264 818,0	1 738 331,0	473 513,0
9	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси(зарари)	434 912,0	564 424,0	129 512,0
10	Фавқулотда фойда ва зарар	-	-	-
11	Даромад солиғи тўлангунча фойда	434 912,0	564 424,0	129 512,0
12	Фойда солиғи	134 334,0	160 577,0	26 243,0
13	Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар	23 856,0	32 054,0	8 198,0
14	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	276 722,0	371 793,0	95 071,0

Аксионерлик жамиятининг 2016 йилдаги соф фойдаси 371793,0 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95071,0 минг сўмга кўпдир. Бунга маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 9762292,0 минг сўмга, яъни 17,9 фоизга ошгани сабаб бўлган. Давр харажатлари 1001713,0 минг сўмга, молиявий фаолият бўйича харажатлари 473513,0 минг сўмга ошган. Бунинг натижасида даромад солиғи тўлангунча фойда ҳам 564424,0 минг сўмни ташкил қилган (жорий ҳисобот даврининг фойда солиғи 160577,0 минг сўм бўлган). Шундай қилиб, “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖнинг 2016 йилдаги соф фойдаси 371793,0 минг сўмни ташкил қилган.

Ишлаб чиқариш захираларининг синтетик ҳисобини юритиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқилган 21-сон БҲМС да қуйидаги счётлар кўзда тутилган (4 чизма).



4 чизма. Ишлаб чиқариш захиралари ҳисобини юритишда қўлланиладиган счётлар.

- 1010 «Хом–ашё ва материаллар». Ушбу счётнинг дебитида асосий ва ёрдамчи хом-ашё ва материалларнинг, қайта ишлов учун тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, ем-хашак ва тўшаш материалларининг бошланғич қолдиғи ва уларни турли манбалардан келиб тушуш эвазига

кўпайиши, кредитида эса – материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1020 «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар». Ушбу счётининг дебитида ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларининг мавжуд қолдиқлари ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқаришга, қурилишга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1030 «Ёқилғи». Ушбу счётининг дебитида мавжуд нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материалларининг (нефть, бензин, керосин, дизел ёқилғиси, мойлар ва бошқалар), газсимон ёқилғи турларининг (газ ва газолин), шунингдек қаттиқ ёқилғи турларининг (кўмир, ўтин ва бошқалар) қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1040 «Эҳтиёт қисмлар». Ушбу счётининг дебитида машина ва механизлар, транспорт воситаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари, автомобилларнинг захирадаги шиналарининг мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1050 «Қурилиш материаллари». Ушбу счётининг дебитида қурилиш, қурилиш –монтаж ишлари, қурилиш деталлари ва конструкцияларини яшаш учун зарур бўлган қурилиш материалларининг захирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг қурилиш, қурилиш-монтаж ишларига, турли конструкцияларни ишлаб

чиқаришга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1060 «Тара ва тара материаллари». Ушбу счетнинг дебитида хўжалик инвентари ва буюми сифатида ишлатилмаётган барча турдаги таралар, тараларни ясаш ва таъмирлаш учун зарур бўлган материал ва деталларнинг захирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар». Ушбу счетнинг дебитида четга қайта ишлаш учун берилиши мумкин бўлган асосий ва ёрдамчи материалларнинг захирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1090 «Бошқа материаллар». Ушбу счетнинг дебитида юқоридаги счетларга киритилмаган, ишлаб чиқаришдан, асосий воситаларни тугатишдан ва бошқа операциялардан олинган моддий бойликларнинг (чиқиндилар, тузатиб бўлмайдиган брак маҳсулотлар, металлолом, эски шиналар ва резиналар, ишлатилган мой, нигрол ва ш.к.) захирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни ишлаб чиқаришдан олинishi эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

- 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш». Ушбу счет корхонанинг ҳисоб сиёсатида тайёрлов жараёнини алоҳида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Унинг дебитида материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнининг қиймати, кредитида эса ушбу қийматни кирим қилинган материаллар қийматига киритилиши эттирилади. Агар корхонанинг

ҳисоб сиёсатида материалларнинг киримини бевосита тўғридан тўғри 1010-1090 –счётларда акс эттириш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда 1510-счёт қўлланилмайди.

1610 «Материаллар қийматидаги четланишлар». Ушбу счёт корхонанинг ҳисоб сиёсатида материалларнинг тайёрлов ва сотиб олиш қийматини ҳисоб баҳоларида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Ҳисоб баҳоси бўлиб, одатда, норматив ёки режали таннарх ҳисобланади. Тайёрланган (сотиб олинган) материалларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоб баҳосидан кўп бўлиши ушбу счётнинг дебитида, кам бўлиши эса унинг кредитида 1510-счёт билан корреспонденция-ланган ҳолда акс эттирилади. 1610-счётнинг дебет қолдиғи суммаси ҳисоб баҳоларидан ортиқ қийматда келиб тушган материалларга тўғри келадиган четланишлар суммасини кўрсатади. Баҳолар ўртасидаги фарқлар сотиб олинган материалларни ҳақиқатда сарфланган вақтида уларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига пропорционал равишда харажатлар счётларига киритилиб борилади.

4 жадвал

21 сон БХМС га асосан материалларнинг киримига доир операциялар

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан қабул қилинганда: - Захираларни ҚҚСсиз сотиб олиш қийматига - ҚҚС суммасига	1510 4410	6010, 4110 6010	Шартнома, счёт-фактура
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда	1510	2310	Ҳисобот, накладной
3.	Ҳисобдор шахслардан олинганда	1510	4220- 4230	Бўнак ҳисоботи
4.	Тайёрловга доир хизматларга	1510	6990	Счёт-фактура
5.	Тайёрлов бўйича билдирилган даъволарга	4860	1510	Даъво хати
6.	Тайёрлов натижасида кирим қилинган материалларга	1010-1090	1510	Қабул қилиш далолатномаси
7.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати	1510	1610	Бухгалтерия

	материалларнинг ҳисоб баҳосидан паст бўлганда			маълумот-номаси
8.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати материалларнинг ҳисоб баҳосидан юқори бўлганда	1610	1510	Бухгалтерия маълумот-номаси

Биз тадқиқот олиб борган “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да ишлаб чиқариш материаллари билан боғлиқ қуйидаги операциялар амалга оширилган.

5 жадвал

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да материалларнинг киримиға доир операциялар

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Сумма (минг)
1.	Материаллар таъминотчилардан қабул қилинганда:	1510	6010	3 987 706
2.	Транспорт харажатлари	1510	6010	2 540
3	Тайёрлов натижасида кирим қилинган материалларға	1010	1510	3 990 246
3.	Мойлаш материалларининг кирими	1030	6010	1 670
4	Инвентарларнинг кирими	1080	6010	5 330
5	Бошқа материаллар кирими	1090	6010	7 520

6 жадвал

21 сон БХМС га асосан материалларнинг чиқимиға доир операциялар

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувға асос бўлувчи хужжат
1	Асосий ишлаб чиқаришға сарфланганда	2010	1010-1090	Талабнома, накладной
2	Ёрдамчи ишлаб чиқаришға сарфланганда	2310	1010-1090	Талабнома, накладной
3	Умум ишлаб чиқаришға сарфланганда	2510	1010-1090	Талабнома, накладной
4	Хизмат қилувчи хужаликларға сарфланганда	2710	1010-1090	Талабнома, накладной

5	Реклама учун сарфланганда	9410	1010-1090	Талабнома, накладной
6	Бошқарув мақсадларига сарфланганда	9420	1010-1090	Талабнома, накладной
7	Сотилганда: -сотиш қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига -сотишдан олинган фойдага -сотишдан кўрилган зарарга	4010 9220 9220 9220 9430	9220 6410 1010-1090 9320 9220	Шартнома, счет-фактура
8	Бепул берилганда: -таннархига -ҚҚС суммасига -кўрилган зарарга	9220 9220 9430	1010-1090 6410 9220	Қарор, счет-фактура, шартнома
9	Камомад чиқганда: -моддий жавобгар шахс бўйнига қўйилганда -каррали ўндириш суммасига -корхона зарарига олиб борилганда	4730 4730 9430	1010-1090 9390 1010-1090	Далолатнома, Қарор
10	Таъсис бадали сифатида киритилганда: -келишув қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига фойда суммасига	0610-0690 9220 9220 9220	1010-1090 6410 1010-1090 9320	Шартнома, қарор, счет-фактура

Биз тадқиқот олиб борган “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да ишлаб чиқариш материаллари билан боғлиқ қуйидаги операциялар амалга оширилган.

7 жадвал

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да материалларнинг чиқимида доир операциялар

Тартиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Сумма (минг)
1	Асосий ишлаб чиқаришга хом ашё материалларининг сарфланиши	2010	1010	1 444 600
2	Асосий ишлаб чиқаришга инвентарларнинг сарфланиши	2010	1080	4 300

Ишлаб чиқариш захиралари уларнинг сақланиш жойларида соний ва суммавий жихатдан миқдор ва пул ўлчовларида ҳисобга олинади. Бунинг учун ҳар бир ишлаб чиқариш захирасига инвентар карточка очилади ёки умумий обмор китоби юритилади. Бунда қуйидаги бошланғич ва жамлама ҳужжатлар ишлатилади:

Кирим бўйича:

1. Счёт фактура – ташқи таъминотчилардан олинган ишлаб чиқариш захираларини қабул қилишда.

2. Накладной- ички бўлинмалардан кирим қилишда.

3. Қабул қилиш далолатномаси – таъсисчилардан, бошқа шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан қабул қилинганда, ички алмашувда, ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда, илмий изланишлар ва тажриба – конструкторлик ишланмалари натижаси сифатида кирим қилинганда ва бошқа ҳолларда.

4. Инвентаризация варағи ва таққослама қайднома – инвентаризацияда ортиқчалар аниқланганда, бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига топширилганда

• Чиқим бўйича:

1. Талабнома – омбордан ишлаб чиқаришга берилганда

2. Забор варақаси - бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ҳар кунда маълум миқдордаги материалларни бериб бориш ҳолларида

3. Счет-фактура – материаллар четга сотилганда, бепул берилганда, таъсис бадали сифатида киритилганда ва бошқа ҳолларда


4. Ҳисобдан чиқариш далолатномалари – материалларни ҳисобдан чиқариш ҳоллари булганда ва бошқалар.

Моддий жавобгар шахслар кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида белгиланган муддатларда (ҳисоб сиёсатига мувофиқ белгиланган муддатларда) моддий ҳисобот тузадилар. Ушбу ҳисоботлар тасдиқланган шаклларда тузилади. Уларда ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати ва ҳаракати соний ва суммавий кўринишда акс эттирилади. Моддий ҳисоботлар

икки нусхада тузилади, моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва уларнинг биринчи нусхаси бухгалтерияга топширилади. Айнан моддий ҳисоботлар ва уларга тикилган бирламчи ҳужжатлар ишлаб чиқариш заҳираларининг синтетик ҳисобини юритишга асос бўлиб ҳисобланади.

2.2. “Самарқанддонмахсулотлари” АЖда тайёр маҳсулотлар ҳисоби

Бизга маълумки корхоналарда тайёр маҳсулотлар 4-сон БХМС га мувофиқ қуйидаги баҳоларда ҳисобга олинади:



5 чизма. Тайёр маҳсулотларнинг баҳоланиши.

Тайёр маҳсулотлар қийматини баҳолаш худди ишлаб чиқариш заҳиралари каби корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган ФИФО ёки АВЭКО усуллардан бирида амалга оширилиши мукин.

АВЕКО усули бўйича тайёр маҳсулотлар ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил birlikларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил birlikларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Тайёр маҳсулотлар ҳар бир бирлиги қийматини АВЕКО усули бўйича аниқлаш тегишинча давр бошидаги тайёр маҳсулотлар қолдиғининг таннархи ва миқдори ҳамда ушбу давр мобайнида келиб тушган тайёр маҳсулотларнинг таннархи ва миқдоридан шаклланадиган, айнан бир хил birlikларнинг умумий таннархини уларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан амалга оширилади. Ўртача қиймат ташкилот томонидан танланган усулга қараб даврий ёки тайёр маҳсулотларнинг ҳар бир янги партияси келиб тушишига кўра ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

ФИФО усули бўйича тайёр маҳсулотларнинг чиқиб кетаётган birlikлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захираларнинг қиймати киради, давр охиридаги тайёр маҳсулотлар қиймати эса охириги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захиралар birlikларининг умумий қийматидан ташкил топади.

Ҳисобот даври охирида тайёр маҳсулотлар қийматини аниқлаш уларнинг чиқиб кетишида тайёр маҳсулотлар қийматини аниқлашнинг қабул қилинган усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Тайёр маҳсулотларнинг чиқиб кетишида уларнинг қийматини аниқлашнинг қўлланадиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилиш йўли билан топилади. Калькуляция, одатда бир хил номдаги маҳсулотга (иш ёки хизмат турига) тузилади. Амалиётда норматив (режали) калькуляция, ҳақиқий таннарх калькуляцияси каби калькуляциянинг турлари кенг ишлатилади.

Норматив (режали) калькуляцияда қабул қилинган маҳсулот (иш, хизмат) бирлигининг таннархи махсус тасдиқланган рецептуралар асосида

сарфланадиган харажатлар суммасини ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот(иш, хизмат)нинг сонига бўлиш йўли билан топилади.

Норматив(режали) калькуляция асосида ҳисобланган маҳсулот таннархи ҳисобот даври ичида ҳисоб баҳоси сифатида қўлланилади. Чунки ҳисобот даври тугамагунча маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган барча ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқ аниқлаб бўлмайди,демак маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини ҳам ҳисоблаб бўлмайди.

Маҳсулот (иш, хизмат)нинг ҳақиқий таннархини калькуляция қилиш учун ҳисобот даври охирида ушбу маҳсулот (иш,хизмат) учун ҳақиқатда қилинган харажатлар суммаси ҳисоб регистрларидан олинади, масалан бош китобдан. Жами харажат суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) нинг умумий сонига бўлинади ва шу йўл билан бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)га тўғри келадиган таннарх суммаси ҳисобланади.

Агар корхонада ҳисобот даври давомида тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати режали ҳисоб баҳоларида ҳисобга олиб борилган бўлса, у тақдирда ҳисобот даври охирида ҳақиқий таннарх ва ҳисоб баҳоси ўртасидаги фарқ аниқланади ва ушбу суммага тузатиш ёзувлари қилинади.


Таннархни калькуляцияси асосида маҳсулот (иш, хизмат)нинг сотиш баҳоси ҳам калькуляция қилинади. Сотиш баҳосини калькуляциясининг таннархнинг калькуляциясидан фарқи шундаки, унда сотишда таннарх устига қўйиладиган қўшимча қийматлар ҳисобга олинади. Бундай қийматлар бўлиб, жумладан корхонанинг рентабеллик даражаси бўйича оладиган фойдасининг суммаси, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи, савдо устамаси, овқатланиш корхонасининг устамаси ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш учун 21-сон БХМС да қуйидаги счётлар тизими кўзда тутилган:

- **2810** “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”
- **2820** “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар”
- **2830** “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”

Ушбу счётлар актив счётлардир, уларнинг дебетида тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи, келиб тушиш натижасида кўпайиши, кредитида эса – камайиши акс эттирилади.

Биз тадқиқот олиб бораётган “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ да тайёр маҳсулотлар 2800 счётда олиб борилган ва ўз навбатида корхонада бир нечта тайёр маҳсулотлар турлари бўлганлиги учун алоҳида махсус аналитик счётлар очилган.



6 чизма. “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖда тайёр маҳсулотлар бўйича 2800 счётда очилган аналитик счётлар.

Корхона омборига кирим қилинган барча тайёр маҳсулотлар 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” счётининг дебетида ва бошқа тайёр маҳсулотларни қайси манбалардан келиб тушганлигини кўрсатувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

8 жадвал

Тайёр маҳсулотлар киримида доир бухгалтерия ўтказмалари

№	Хўжалик операциялари	Дебет	Кредит
1	Асосий, ёрдамчи цехлардан, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тайёр маҳсулотларнинг кирим қилиниши	2810	2010, 2310, 2710
2	Тайёр маҳсулотларни ҳисобнинг ярим тайёр усулида кирим қилиш	2810	2110
3	Тайёр маҳсулотларнинг кўرғазмадан омборга кирим	2810	2820

	қилиниши		
4	Тайёр маҳсулотни қайта баҳолаш а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	2810 3190	6230 2810
5	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча тайёр маҳсулотлар	2810	9390


Биз тадқиқот олиб бораётган “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖда тайёр маҳсулотлар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилган.

9 жадвал

“Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ да тайёр маҳсулотлар кирими бўйича бухгалтерия ўтказмалари

№	Хўжалик операциялари	Дебет	Кредит	Сумма (минг)
1	Ун маҳсулотларнинг кирим қилиниши	2810	2010	18 049 585
2	Омихта ем маҳсулотларни кирим қилиш	2811	2010	3 747 368

Тайёр маҳсулотларни биз қуйидаги ҳолларда чиқим қилишимиз мумкин:



7 чизма. Тайёр маҳсулотларнинг чиқими.

Тайёр маҳсулотлар чиқими бўйича бухгалтерия ўтказмалари

№	Хўжалик операциялари	Дебет	Кредит
1	Ички эҳтиёжлар учун тайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши, тайёр маҳсулотларнинг цехларга қайта ишлов бериш ва бошқалар учун қайтарилиши	2010, 2310, 2510, 2710 9410- 9440	2810
2	Тайёр маҳсулот омборидан маҳсулотлар яроқсиз маҳсулотларни тузатиш учун берилди	2610	2810
3	Инвентаризация натижасида аниқланган камомад, агар айбдор шахс аниқланмаган бўлса	5910	2810
4	Келгуси давр харажатлари таркибида юритиладиган харажатларга тайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши	3190	2810
5	Тайёр маҳсулотларнинг кўргазмага берилиши	2820	2810
6	Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннарини ҳисобдан чиқариш.	9110	2810- 2830
7	Тайёр маҳсулотларнинг молиявий қўйилмалар (шу жумладан қимматли қоғозлар) ҳисобига берилиши	0600, 5800 9110	9010 2810
8	Инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахснинг айби бўйича камомаднинг аниқланиши	4730	2810
9	Тайёр маҳсулотларнинг ажратилган бўлинмаларга берилиши	4110	2810- 2830
10	Тайёр маҳсулотларнинг текинга берилиши	9430	2810

Биз тадқиқот олиб бораётган “Самарқанддонмахсулотлари” АЖда тайёр махсулотлар чиқими бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилган.

11 жадвал

**“Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да тайёр махсулотлар
чиқими бўйича бухгалтерия ўтказмалари**

№	Хўжалик операциялари	Дебет	Кре- т	Сумма (минг)
1	Сотилган ун махсулотларининг таннархини ҳисобдан чиқариш.	9110	2810	19 969 459
2	Сотилган омихта ем махсулотининг таннархини ҳисобдан чиқариш.	9110	2811	4 890 215

Умуман олганда корхонада тайёр махсулотларнинг кирими ва чиқимини акс эттравчи хўжалик операциялари 21-сон БҲМСга асосан уларнинг моҳиятини очиб берувчи счётларда акс этирилмоқда.

III БОБ. “САМАРҚАНД ДОН МАХСУЛОТЛАРИ” АЖДА ТМЗЛАР АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

3.1. ТМЗлар аудитининг ташкилий асослари

Бугунги жадал ривожланаётган иқтисодий муносабатлар шароитида эркин бозор муносабатларининг қонуний ва асосли ташкил этилишида аудит хизматининг ўрни бекиёс. Аудиторлик хизматининг энг муҳим вазифалари, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги, биринчи навбатда, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, бошқа ҳисоботларнинг ишончлилиги ва унда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш орқали аудиторлик текшируви ўтказилаётган субъектлар фаолиятини қонуний ташкил этишга кўмаклашади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда корхоналарда аудиторлик текширувини ўтказишда уни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади, зеро ҳар бир фаолиятни, ҳаракатни бошланиши гўё унинг фундаментиدير. Аудиторлик текшируви босқичларининг ҳар бирининг ўз хусусияти, вазифаси, ҳуқуқий асоси ва масъулияти мавжуд. Пала-партиш ташкил қилинган, ёки режасиз бошланган аудиторлик текшируви ўз-ўзидан ушбу текширувнинг сифатига таъсир этади. Корхоналарда аудиторлик текширувининг босқичлар назарий жиҳатдан деярли бир хил.

АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ		
№	Босқичлар	Босқичда амалга ошириладиган тадбирлар
1.	Аудитни бошлашга қадар бўлган босқич	Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: Аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади; Аудит ўтказувчи субъектга (ЎзР “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш” номли ЎзР 31-сон АФМСга мувофиқ) дастлабки танишиш учун аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик рискининг даражаси белгиланади (“Муҳимлик ва аудиторлик риски” номли ЎзР 9-сон АФМСга мувофиқ); Аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги розилик хати тайёрланади, ушбу хатда аудит ўтказиш шартлари, жумладан, аудиторлик хатари даражаси кўрсатилади; Аудит ўтказиш шартлари ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади; Аудитнинг (“Аудитни режалаштириш” номли ЎзР 3-сон АФМСга мувофиқ) дастури тузилади ва уни ўтказиш графиги белгиланади; Аудиторлар ўртасида функционал вазифалар ўзаро боғланади.
2.	Аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичи	Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ аудит объектлари тан-ланган усулларда текширувдан ўтказилади.
3.	Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи	Ушбу босқичда: Аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир объект бўйича жамланади; Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади; Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, (ЎзР “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси ҳамда “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси” ЎзР 70-сон АФМСга мувофиқ) ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади, аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4.	Аудиторлик текшируви натижаларини татбиқ этиш босқичи	Ушбу босқичда аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган ҳисобот бўйича (ЎзР “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси ҳамда “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси” ЎзР 70-сон АФМСга мувофиқ) аудиторлик хулосаси берилади.

Аудитни ташкил этишни шартли равишда қуйидаги тўртта босқичга бўлиш мумкин (12-жадвал)⁶. Аудитни ташкил этиш босқичларининг ҳар бири муҳим аҳамиятга эга, зеро айнан ушбу босқичлар корхона фаолиятидан манфаатдорлар (ходимлар, бошқарувчилар, аксиядорлар, мижозлар, инвесторлар ва бошқалар)нинг келажагига у-бу даражада таъсир қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас, нафақат манфаатдорлар балки, аудиторлик ташкилотининг нуфузига ҳам таъсир қилади.

Аудитни ташкил этиш босқичлари бир-бири билан узвий боғлиқликда бўлиб дастлабки босқичлар кейингиларининг сифати ва муддатини белгилайди, шунинг учун ҳар бирига алоҳида эътибор бериш лозим.

Биз тадқиқот олиб бораётган “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ да “Комил ишонч” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2016 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси аудит қилинган. Аудиторлик текширувлари натижасида корхонанинг барча ҳисоб китоблари Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларига мос ҳолда амалга оширилганлиги аниқланган ва аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий аудиторлик хулосаси берилган.

ТМЗлар аудитини янада самаралироқ олиб бориш учун аудиторлар аудит жараёнида турли хил ахборот манбаларидан фойдаланадилар. Улар ички ва ташқи ахборот манбаларига бўлинади: ички ахборот манбалари деганда, бевосита корхонанинг ўзи билан боғлиқ ахборот манбалари назарда тутилса; ташқи ахборот манбалари деганда, корхона фаолияти билан ишлаб чиқилмаган лекин шу корхона фаолиятига ҳамда аудиторлик текшируви жараёнига таъсир қилувчи ахборот манбалари назарда тутилади.

⁶ Урозов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъруза матнлари тўплами. 2 қисм.Самарқанд-2004. 156-бет



8-чизма. Тайёр маҳсулотларни аудит қилишда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг таснифи


Ички ахборот манбаларининг айримларини шархлари билан 2–жадвал орқали чуқурроқ билиб олишимиз мумкин.

Тайёр маҳсулотлар аудитининг ички ахборот манбалари

№	Ички ахборот манбасининг тури	Аҳамияти ва қўлланилиши
1.	Аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси	Бу ҳўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилотига берган расмий хати – мурожаатномаси бўлиб, унда қайси ҳисобот даври учун, қандай объектлар бўйича аудитнинг аниқ турини ўтказиб бериш бўйича шартнома тузиш сўралади, у буюртмачи корхонанинг раҳбари томонидан имзоланади
2.	Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги икки (уч) томонлама шартнома	Томонлар аудиторлик текширувининг даври, муддати, хизмат ҳақи, аудит объекти, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари ва бошқа шартларни ушбу ҳужжат орқали тартибга солади
3.	Корхона низоми (устаи)	Ушбу ҳужжатда корхонанинг реквизи́тлари, юридик мақоми, фаолият тури, мақсади ва вазифалари, устав фондининг миқдори ҳамда тақсимоти, устав фондини ўзгартириш тартиби, аксияларининг турлари, номинал қиймати, даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби, заҳира ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби, аксиядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аксиядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари, кузатув кенгашининг ваколати, бошқарувчи (менежер)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тафтиш комиссияси, корхонада филиал, ваколатхоналар ва шуба корхоналарини тузиш ва ишлаш тартиби, йиллик ҳисоботни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби, низоларни ҳал қилиш ва бошқалар белгилаб қўйилган. Шунга кўра аудитор корхонанинг ички назорат тизими-мини баҳолайди, устав фондидаги ўзгаришларни текширади ва ҳоказо
4.	Ҳисоб сиёсати	Ушбу ҳужжатда корхона раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қабул қилинган усуллар, тамойиллар ва тартиблар мажмуаси акс эттирилган бўлади. Шунга кўра аудитор корхонада бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини текширади ва унга баҳо беради

5.	Корхонанинг бизнес режаси	Бу одатда бир йилга мўлжалланган бўлиб, унда корхонанинг шу муддатда босиб ўтиши лозим бўлган фаолият йўли акс эттирилади. Бошқача қилиб айтсак, бизнес режа – бу хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатдир. Шунга кўра аудитор, корхонанинг ҳақиқий натижаларини бизнес режа маълумотлари билан солиштиради, аниқланган четланишларнинг сабаб-бини аниқлаб у юзасидан таклифлар ишлаб чиқади
6.	Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари	Корхонада содир бўлган операциялар қуйидаги бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари билан расмийлаштирилади: Молиявий ҳисобот шакллари, жумладан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот; Оборот ведимост; Бош китоб; Журнал-ордерлар; Ҳисоб регистрлари; Йиғма ҳужжатлар; Дастлабки ҳужжатлар. Шунга кўра аудитор маълум кетма-кетликда ушбу ҳужжатлардаги ёзувларни (қонунийлигини) текширади, ҳужжатлаштириш тартибига риоя қилинганлигини кўриб чиқади ва бир-бири билан таққослайди
7.	Корхона раҳбарияти томонидан чиқарилган буйруқ ва қарорлар	Корхона ўз фаолият даврида кўплаб молиявий-хўжалик қарорларини ишлаб чиқади, ма-салан ходимларга навбатдан ташқари таътил бе-риш, ходимга моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо. Шунга кўра аудитор ушбу қарорлар-нинг ижроси тегишли бўлимлар (масалан, бух-галтерия) даги ижросини текшириб чиқади

ТМЗлар аудитида уларни ўтказиш кетма кетлиги белгилаб олинishi лозимдир. Чунки бажариладиган ишлар маълум кетма кетликда амалга оширилса маълумотлари аниқлиги юқори даражада бўлади. Биз қуйида ТМЗлар аудитининг наъмунавий кетма кетлигини ишлаб чиқдик.



9-чизма. TMZлар аудитининг кетма-кетлиги.

2.2. ТМЗлар кирими ва чиқимининг аудити

ТМЗлар аудитининг муҳим объектларидан бири ишлаб чиқариш захираларидир. Ишлаб чиқариш захираларини келиб тушишини аудити, ишлаб чиқариш захираларини йил бошидаги қолдиғини аниқлашдан бошланади, баланс бўйича материалларни акс эттирувчи счётларнинг қолдиғи аниқланади ва уларнинг қўшиб чиқгандаги кейинги суммаси уларни балансдаги ишлаб чиқариш захиралари сатрига мос келиши керак, мос келмаслик уларни йилни бошидаги маълумотларига шубҳа туғдиради, йилни бошидаги баланснинг суммалари материал ҳисоботларига йиғиндисига тенг бўлиши керак, кейин материалларни кирими аудит қилинади, биринчи навбатда аудитор материалларнинг қасрдан келиб тушиш манбаларини аниқлаши керак бунинг учун ҳўжалик шартномаларни ўрганиши керак .

Омборхона кирим ҳужжатларини мол етказиб берувчиларнинг кузатиб борувчи ҳужжатлари ёки материалларни чакана савдода нақд пулга сотиб олиш ҳужжатлари билан солиштириш омборхонада содир бўлган кирим муомалаларини текширишнинг умумий усули ҳисобланади.

Амалдаги қоидаларга мувофиқ моддий бойликлар ҳисоб ва ҳисоботда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилиши лозим. Ҳақиқий таннарх уларни сотиб олиш учун қилинган сарфлар (транспорт - тайёрлов харажатлари), ушбу ресурсларни етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган қарз ҳисобига сотиб олганлик учун тўланадиган фоизларни ҳам қўшган ҳолда аниқланади. Шунингдек, ташқи иқтисодий ва бошқа ташкилотларга тўланган хизмат ҳақлари, устама ҳақлари, божхона тўловлари, чет ташкилотлар томонидан амалга оширилган сақлаш, юклаш-тушириш ва ташиш харажатлари (ҚҚС сиз) ҳам ҳақиқий таннархга қўшилади.

Моддий бойликларни баҳолашнинг тўғрилиги кўп жиҳатдан уларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишга боғлиқ. Шунинг учун аудитор 1010-1090 счётлар бўйича моддий бойликлар ҳисоби, уларнинг ҳар бир тури бўйича ҳамда истеъмол хоссаларига кўра (нави, маркаси, кондицияси ва ҳоказо) юритилишини; Моддий бойликларнинг

истеъмол хоссаларига қараб уларнинг ҳар бирига номенклатура рақамлари берилганлиги ва уларнинг дастлабки ҳужжатларда ҳамда омборхона ҳисобида кўрсатилишини текшириши лозим.

Агар ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисоб баҳолари бўйича ҳисобга олинса, ушбу баҳолар ва сотиб олинган материалларнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқларни товар-моддий заҳираларнинг турлари ўртасида тақсимлаш ишлари аудит объекти бўлиб ҳисобланади.

Корхона фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш усулларида қайсиниси танланганига ҳам боғлиқ. Товар-моддий заҳиралар йил давомида ҳар хил баҳоларда сотиб олинганлиги сабабли, уларнинг тўғри баҳоланганлигини аниқлаш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш заҳираларининг якуний қийматини махсус баҳолаш усуллари ёрдамида тартибга солиш мумкин. Текширув усули корхонада товар-моддий заҳираларни ҳисобдан ўчиришнинг қайси услуби (ҳар хил моддий бойликлар учун улар хилма-хил бўлишлари мумкин) қўлланилишига боғлиқ.

№4 - «Товар-моддий заҳиралар» номли БХМСга мувофиқ, ишлаб чиқаришга харажат қилинадиган моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш чоғида ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолашнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш тавсия қилинади:

Ўртача таннархи бўйича (АВЕКО);

Биринчи харид қилинган таннарх бўйича (ФИФО);

Аудитор заҳираларнинг муайян турига нисбатан танланган усулнинг йил давомида ўзгартирилмасдан қўлланилганлигига ишонч ҳосил қилиши, уларни қўллашнинг тўғрилиги, ҳамда асосланганлиги ва бошқарув учун фойдалилигини текшириши лозим.

Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида товар-моддий бойликларни баҳолашнинг ФИФО (ФИФО) методи белгиланган бўлса, у ҳолда улар ой бошига мавжуд бўлган заҳиралар қолдиғининг таннархини ҳисобга олган ҳолда, биринчи сотиб олинган заҳиралар баҳосида ишлаб чиқаришга

сарфланиши лозим. Балансда эса моддий бойликларнинг қолдиқлари сўнги сотиб олинган, яъни қимматроқ харид баҳолари бўйича кўрсатилиши лозим.

Агар захиралар ўртача таннарх (АВЕКО усули) бўйича баҳоланса, аудитор захираларнинг қайсидир бир партиясини баҳолашнинг тўғрилигини, яъни ўртача баҳонинг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлаши учун бир неча дастлабки кирим ҳужжатларини текшириши зарур.

Материаллар ҳақиқий таннархи хатолашиб ёки атайлаб оширилганда, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатлари сунъий равишда кўпаяди ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган фойда (даромад) камаяди. Шунингдек, фойда (даромад) солиғи бўйича солиққа тортиладиган база ҳам камаяди яъни сунъий равишда солиқ яширилади.

Агар корхонада ҳисобот даври давомида баҳоси пасайтирилган материаллар бўлса, ёки улар қисман ўз сифатини йўқотган ёки маънавий эскирган бўлса, бунда улар йил охирида ҳақиқий таннархи бўйича эмас, балки сотиш мумкин бўлган баҳода баҳоланиши ва балансда акс эттирилиши лозим. Агар у дастлабки тайёрлаш (сотиб олиш) қийматидан паст бўлса, баҳодаги фарқлар молиявий натижаларга олиб борилади.

Биз тадқиқот олиб борган “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ ишлаб чиқариш захираларининг қолдиқ қийматлари текширилганда қуйидаги натижаларга эришилди.

14 жадвал

**“Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг ишлаб чиқариш захиралари
аудити натижаси**

№	Кўрсаткич номи	Корхона маълумоти	Аудитор маълумоти	Фарқ
1	Ишлаб чиқариш захираларининг йил бошига қолдиғи	35519590	35519590	-
2	Ишлаб чиқариш захираларининг йил охирига қолдиғи	42604571	42604571	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхона ишлаб чиқариш захиралари ҳисобда тўғри акс эттирилган.

Моддий бойликларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда ишлатилишини текшириш учун аудитор технологик жараёнларнинг хусусиятлари, ҳамда моддий бойликларни омбордан ишлаб чиқаришга бериш тартиби билан батафсил танишиши лозим. Чунки, ушбу тартиб бузилганида кўплаб камчиликлар ва ҳатто суйистеъмол қилишлар юзага келади.

Моддий бойликларнинг ишлаб чиқаришга берилиши, дастлабки ва йиғма чиқим ҳужжатлари асосида тузиладиган, материаллар сарфланиши ҳисобга олинadиган йиғма ведомост бўйича текширилади.

**Моддий бойликларни сотиш ва бошқача тарзда ҳисобдан
чиқаришга доир муомалаларни текшириш.**

Аудитор, аввало ишлаб чиқариш захираларини сотишга доир муомалаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини, барча ҳужжатлар - шартномалар, ишончномалар ва товар-транспорт накладнойлари ва бошқа дастлабки ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини (жумладан, уларда ҚҚС алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилганлигини) аниқлаши лозим.

Моддий бойликларни сотишга доир муомалаларга материалларни ҳисобга оладиган счётлар (1010-1090) кредитланиб 9220-«Бошқа активларнинг чиқими» счёти дебетланади ва харидорлардан олинган (олинadиган) даромад суммасига эса 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» (4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти) дебетланиб, 9220-счёт кредитланади.

Моддий бойликларни текинга бериш бўйича аудитор солиққа тортиш мақсадида улар қийматини аниқлашнинг тўғрилигини текширади. Уларни ҳисобдан ўчириш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилиши лозим: ҳисобдаги баҳосига 9220-счёт дебетланиб, 1010-1090 ва 2910 счётлар кредитланади.

Фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун берилган моддий бойликлар қиймати ўртача сотиш баҳоси ёки охириги сотиш баҳоси бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Товар-моддий захиралар йўқолишининг ҳисобдан ўчирилишини текшириш. Товар-моддий бойликларнинг камомоди, бузилиши ва қайта баҳоланиб баҳосининг пасайтирилишини ҳисобдан ўчирадиган ҳужжатлар, ҳамда айрим турдаги материалларни ташиш чоғидаги табиий камайиш меъёрининг тўғри қўлланилиши махсус пухта текширувдан ўтказилиши лозим. Масалан, зич (герметик) ёпиладиган идишларда ташиладиган товар-моддий захиралар бўйича табиий камайиш меъёрлари қўлланилмайди. Шиша идишларда ташиладиган материаллар бўйича эса рухсат этилган синиш меъёри қўлланилади. Табиий камайиш меъёри доирасидаги ва ундан ошган йўқотишлар тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳужжатга асосан фақат корхона раҳбарининг рухсати билан таққослаш ведомостидаги камомаддан ошиб кетмаган миқдорда ҳисобдан ўчирилиши мумкин.

Белгиланган табиий камайиш меъёридан ошиқча ҳисобдан ўчириш, ҳамда бузилиш ва арзонлаштиришдан кўрилган йўқотишларга доир муомалалар аудитордан махсус эътибор қаратишни талаб этади.

Арзонлаштириш ва бузилишдан кўрилган йўқотишлар далолатномалар ва инвентаризация рўйхатлари, арзонлаштириш ёки бузилиш содир бўлган санадаги бозор баҳолари, ҳамда арзонлаштириладиган материалларнинг харид баҳолари тўғрисидаги маълумотлар билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, аудитор дастлабки ҳужжатлар асосида аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларидаги ёзувларни ҳам танлаб текширади.

Идишлар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш. Айрим корхоналарда идишлар сони ва уларнинг қиймати катта миқдорни ташкил этади. Аудитор идишлар қийматининг тўғри шаклланганлиги ва ҳисобда акс этирилганлигини текширади. Синтетик ҳисобда идишлар, уларни сотиб олиш учун кетган барча харажатлардан

ташкил топадиган ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилиши мумкин. Шунингдек, идишларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг тўғрилиги ҳам текширилади.

Маҳсулотларни ташиш ва жойлаштириш учун ишлатиладиган идишлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар 1060-«Идиш ва идишлик материаллар» счётида умумлаштирилади. Агар маҳсулотлар жойлаштирилган идишлар қиймати уларнинг сотиш баҳосига қўшилган бўлса, идишлар қиймати ҳисобдан ўчирилади ва маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарига қўшилади (агар идишга жойлаштириш бевосита асосий ишлаб чиқариш цехларида амалга оширилса), ёки тижорат сарфларига олиб борилади (маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар омборига топширилганидан сўнг идишларга жойлаштирилганда). Савдо ташкилотларида 2950 - «Товар билан банд ва бўш идишлар» счётида, чакана савдодаги товар билан банд шиша идишлар ва бўш идишлар эса товар сифатида 2920 - «Чакана савдодаги товарлар» счётида ҳисобга олинади.

Транспорт шаклидаги идишларни айланувчанлик хусусиятига кўра иккита асосий тоифага бўлиш мумкин:

1. бир марта айланадиган - сотиб олиш баҳоси мол етказиб берувчида сотиладиган материалларнинг қийматига қўшилган идишлар (улар мол етказиб берувчиларга қайтарилмайди);

2. кўп марта айланадиган - муомалада бир неча марта бўладиган идишлар, мол етказиб бериш шартномасига мувофиқ бундай идишлар мол етказиб берувчиларга қайтарилади.

«Қайтариладиган» ва «қайтарилмайдиган» идиш тушунчаси фақатгина сотувчи ва харидор ўртасидаги шартнома билан тартибга солинади.

Товар билан биргаликда етказиб бериладиган, айрим турдаги кўп марта айланадиган товарлар учун харидордан гаров олиниб, у бўшатиш идиш қайтиб олинганидан сўнг харидорга қайтарилади. Идишларнинг гаров қиймати мол етказиб берувчиларнинг кузатиб борувчи ҳужжатларида алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилади. Гаров баҳоси билан айланиб

юрадиган кўп марта айланадиган идишлар мол етказиб берувчининг мулки бўлиб қолади. Сотувчи уни сотишни, харидор эса сотиб олишни мўлжалламаган. Идишлар учун гаров тўлаш идишларни қайтариб беришни таъминлаш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Товарлар кўп марта айланадиган идишларда сотилганида мол етказиб бериш шартномаси шартларига харидорнинг ушбу идишлар ҳаммасини ёки маълум бир қисмини қайтариш мажбурияти киритилади. Агар идишлар мол етказиб берувчига шартномада кўрсатилган муддатда топширилмаса, идишларнинг гаров қиймати харидорга қайтарилмайди.

Агар корхонада гаровли идишлардан фойдаланилаётган бўлса, у ҳолда аудитор бундай муомалаларни ҳисобга олишнинг тўғрилигини текшириши зарур. Кўп ҳолларда гаровли идишларнинг қиймати мулк хуқуқ ва ҳаққонийлик қондаси бузилиб, корхонанинг ўз мулклари таркибида акс эттирилади. Мол етказиб берувчи ва харидор ўртасида нормал товар ҳаракати содир этилганида гаровли идиш мол етказиб берувчининг мулки бўлиб қолади ва унинг ҳисобида акс эттирилади. Кўп марта айланадиган гаровли идишга мулк хуқуқи мол етказиб берувчида қолиши сабабли, унинг қийматини харидорнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мулклар қийматининг ошиб кетиши ва ошиқча мулк солиғи тўлашга олиб келади. Мол етказиб берувчи томонидан қабул қилинмайдиган кўп марта айланадиган гаровли идишга эгалик хуқуқи, қайтаришни рад этишга ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг харидорга ўтади.

Идишлар аналитик ҳисоби уларнинг ҳар бир тури бўйича номма-ном юритилиши керак. Аудитор уни текшириш чоғида моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари ва сальдо ведомостлари бўйича маълумотларни таққослаш йўли билан хатоларни аниқлаши мумкин.

Нормал товар ҳаракати жараёнида вужудга келадиган ва ташиш, юклаш ҳамда тушириш билан боғлиқ сарфлар харажатларни ҳисобга оладиган счётларда акс эттирилади.

Идишларнинг синиши, дарз кетиш ва бузилиши, нормал товар ҳаракатининг бузилиши оқибатида улар қийматининг пасайиши идишлар билан содир бўладиган муомалалар бўйича зарарлар сифатида «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ реализациядан ташқари даромадлар таркибига қўшилади.

Товар-моддий заҳиралар активларнинг бошқа ҳар қандай турига қараганда хўжалик фаолиятига кўпроқ таъсир кўрсатади. Текширув натижаларини умумлаштириб, аудитор ишчи ҳужжатларида тўпланган далил-исботларни бир тизимга келтириши зарур. Мунтазам йўл қўйиб келинган қоидабузарликлар бўйича аниқланган хато-ларни тўлиқ текширишга тадбиқ қилиш зарур. Тафовутларнинг катта-кичиклиги танлов кўлами ва хатоларнинг мунтазам содир бўлишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Биз тадқиқот олиб борган “Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг тайёр маҳсулотларининг қолдиқ қийматлари текширилганда қуйидаги натижаларга эришилди.

15 жадвал

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг тайёр маҳсулотлари аудити натижаси

№	Кўрсаткич номи	Корхона маълумоти	Аудитор маълумоти	Фарқ
1	Тайёр маҳсулотларининг йил бошига қолдиғи	1301815	1301815	-
2	Тайёр маҳсулотларининг йил охирига қолдиғи	841423	841423	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхона тайёр маҳсулотлари ҳисобда тўғри акс эттирилган.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинади: ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар 2800 - «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари»нинг дебитида акс эттирилган бўлиб 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 - «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2110 -

«Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счётиларининг кредитидаги ёзувлар билан такқосланади. Корхона омборига келиб тушган тайёр маҳсулотлар 2810 -«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида ўз аксини топган бўлади. Сотишга яроқсиз (брак) бўлган тайёр маҳсулотлар 2610 - «Ишлаб чиқаришдаги брак» счётидаги маълумотлар орқали аудит қилинади. Тайёр маҳсулотларнинг бошқа манбалардан келиб тушиши қуйидаги счётлар орқали текширилади: муассислардан (таъсисчилардан) устав капиталига улуш сифатида олинганда 4610 - «Устав капитали (фонди) да улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счёти, бошқа юридик шахслардан қайтарилмайдиган молиявий ёрдам сифатида олинганда 9380 - «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» ёки 8530 -«Қайтариб бермаслик шarti билан олинган мол-мулк» счётлари, алоҳида балансда турган бўлинмалардан олинган бўлса 4110 -«Алоҳида балансга ажаратилган бўлинмалардан олинган счётлар» орқали текширилади.

16 жадвал

Тайёр маҳсулотлар кирими аудитида текшириладиган бухгалтерия ўтказмалари

№	Хўжалик операциялари	Дебет	Кредит
1	Асосий, ёрдамчи цехлардан, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тайёр маҳсулотларнинг кирим қилиниши	2810	2010, 2310, 2710
2	Тайёр маҳсулотларни ҳисобнинг ярим тайёр усулида кирим қилиш	2810	2110
3	Тайёр маҳсулотларнинг кўргазмадан омборга кирим қилиниши	2810	2820
4	Тайёр маҳсулотни қайта баҳолаш а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	2810 3190	6230 2810
5	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча тайёр маҳсулотлар	2810	9390

Аудит жараёнида тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига ва сотиб олиш баҳосига (қийматига) алоҳида эътибор берилади. Ишлаб

чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси томонидан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажаг ларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари, Солиқ Кодекси, бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли «Товар-моддий захиралар» миллий стандарти асосида аудит қилинади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг тўғри шаклланганлиги;
- таннарх таркибининг тўғри аниқданганлиги (моддий харажатлар, иш хдқи харажатларининг тўғри ҳисобга олинганлиги);
- тайёр маҳсулотнинг-тўлаташарнинг сотиш баҳосининг асослиги.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан харажатлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб корхонанинг молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Шу мақсадларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмини, таннархини ҳақиқатда қилинган харажатларнинг турлари бўйича ҳисобга олиб бориш ва аудит қилиш ижобий натижалар беради. Тайёр маҳсулотлар аудитида унинг таннархи ва қийматини ўзгарувчан, қисман ўзгарувчан ва доимий харажатлар бўйича текшириш моддий, молиявий ва меқнат ресурсларни тежашга олиб келади.

Ушбу ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликларни эътиборга олиб маҳсулот ҳажми ва унинг таннархини таҳлил қилиши керак.

Ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган сари харажатларнинг умумий миқдори ҳам ошиб брради. Бу асосан ўзгарувчан ҳамда қисман ўзрувчан харажатлар ҳисобидан содир бўлади.

Аудитор, аввало тайёр маҳсулотларни сотишга доир муомалаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини, барча ҳужжатлар - шартномалар, ишончномалар ва товар-транспорт накладнойлари ва бошқа дастлабки ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини (жумладан, уларда ҚҚС алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилганлигини) аниқлаши лозим.

Корхонанинг тайёр маҳсулотлари шу корхонага қарашли бўлган чакана савдо, овқатланиш корхоналарига, иш ҳақи ҳисобидан эса ишчи-хизматчиларга ҳам берилиши мумкин. Бундай операцияларнинг тўғрилиги 2920 - «Чакана савдодаги товарлар», 6710 - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва бошқа счётлар орқали текширилади. Аудит натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилади.

17 жадвал

Тайёр маҳсулотлар чиқими аудитида текшириладиган бухгалтерия ўтказмалари

№	Хўжалик операциялари	Дебет	Кредит
1	Ички эҳтиёжлар учун тайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши, тайёр маҳсулотларнинг цехларга қайта ишлов бериш ва бошқалар учун қайтарилиши	2010, 2310, 2510, 2710 9410-9440	2810
2	Тайёр маҳсулот омборидан маҳсулотлар яроқсиз маҳсулотларни тузатиш учун берилди	2610	2810
3	Инвентаризация натижасида аниқланган камомад, агар айбдор шахс аниқланмаган бўлса	5910	2810
4	Келгуси давр харажатлари таркибида юритиладиган харажатларга тайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши	3190	2810
5	Тайёр маҳсулотларнинг кўргазмага берилиши	2820	2810
6	Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннариhini ҳисобдан чиқариш.	9110	2810-2830
7	Тайёр маҳсулотларнинг молиявий қуйилмалар (шу жумладан қимматли қоғозлар) ҳисобига берилиши	0600, 5800 9110	9010 2810
8	Инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахснинг айби бўйича камомаднинг аниқланиши	4730	2810
9	Тайёр маҳсулотларнинг ажратилган бўлинмаларга берилиши	4110	2810-2830
10	Тайёр маҳсулотларнинг текинга берилиши	9430	2810

Омбор хўжалигининг аҳволи ва тайёр маҳсулотлар сақланишини текшириш энг муҳим аудиторлик амалларидан бири бўлиб ҳисобланади. Корхона фаолиятининг ушбу соҳасини ҳар томонлама ўрганиш учун аудитор омборлар, цехлар ва ишлаб чиқариш заҳиралари сақланадиган бошқа жойларни текширади. Бунда тайёр маҳсулотларини сақлаш шароитлари, ёнғин хавфининг олдини олиш, омборларнинг қурилмалар, техникалар, асбоблар билан жиҳозланганлиги ва уларнинг тўғри ишлатилиши, омбор биноларини қўриқлаш ҳолати ҳам ўрганилади. Омбор хўжалигининг

кониқарсиз ташкил этилганилиги тайёр маҳсулотлар сақланиши устидан ички назоратнинг паст даражада эканлигидан далолат беради.

Ўрганиш жараёнида моддий қийматликларни қабул қилиш, сақлаш ва беришга алоқадор ходимларнинг моддий жавобгарликларини ташкил этишга махсус эътибор қаратилади. Ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг иш тартиби, қийматликларни қабул қилиш ва бериш, ҳамда уларни ҳужжатлаштириш тартиби, омборларда натурал ўлчовларда ҳисобни юритиш, бухгалтерияга ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари кўрсатилган стандартлар ёки йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва моддий жавобгар шахсларга тақдим қилиш моддий қийматликларни сақлашни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотларни сақлаш жойларини кўздан кечириш чоғида моддий жавобгар шахслардаги ҳужжатлар бўйича улар қийматликларни қабул қилиш ва беришни расмийлаштириш, ҳамда омборхона ҳисоби дафтари ёки карточкаларига ёзишни ўз вақтида амалга оширилаётганлиги текширилади. Ҳисобга олинмаган ошиқча материаллар ва тайёр маҳсулотлар қуйидаги йўллар билан вужудга келиши мумкин:

- тайёр маҳсулотларни тайёрлаш чоғида хом ашёларни алмаштириш; хом ашё ва материалларни топширувчиларнинг оғирликдан уриб қолиши, намлигини ошириб кўрсатиш ва уларнинг навларини пасайтириш; тайёр маҳсулотларни харидорларга жўнатиш чоғида ўлчовдан, ҳисобдан ва тарозидан уриб қолишлар;
- моддий қийматликларни юклаш-ташиш-тушириш ёки сақлаш чоғида йўқолган деб асоссиз далолатномалар тузиш ва шунга ўхшаш.

Омбор ҳўжалигини кўздан кечириш ва тайёр маҳсулотлар сақланишининг назоратини ҳужжатлар асосида текшириш билан изчил амалга ошириш тайёр маҳсулотларнинг сақланиши тўғрисида асосланган хулосалар қилиш ва профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Тайёр маҳсулотларни аудиторлик текширувдан ўтказиш жараёнини икки қисмга бўлиш мумкин:

- Инвентаризация ўтказиш орқали уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш;
- Тайёр маҳсулотларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри баҳолашни ҳамда акс эттиришни текшириш.

Аудиторлик амаллари инвентаризациягача, инвентаризация вақтида ва ундан сўнг бажариладиган амалларга бўлинади. Инвентаризацияни бошлагунга қадар аудитор олдинги ўтказилган инвентаризация натижалари тўғрисидаги маълумотларни сўраб олиб, тайёр маҳсулотларнинг таркибий ва миқдорий ўзгаришларини таҳлил қилади, тайёр маҳсулотларни сақлаш жойлари ҳақида, ҳамда инвентаризация ишларининг ташкил этилиши тўғрисида маълумотлар тўплайди.

Тайёр маҳсулотларни омборхона ва бошқа сақлаш жойларида ҳисобга олинишини текшириш уларни инвентаризация қилишдан бошланади. Текширишни бошлашдан олдин аудитор тайёр маҳсулотлар сақланадиган барча жойларни аниқлаш ва танлаб инвентаризация ўтказиладиган бойликлар рўйхатини алоҳида тузиши лозим.

Иш бошланишидан олдин аудитор корхона раҳбари билан инвентаризация комиссиясини тузиш тўғрисида келишиб олади. Корхона раҳбари бу ҳақда буйруқ чиқаради. Унинг бир нусхаси инвентаризация ўтказиш комиссияси аъзолирига берилади, комиссия раисига назорат сўргич (пломба)лагичи топширилади.

Инвентаризация комиссияси таркибига, одатда, моддий жавобгар шахслардан ташқари, корхона раҳбарияти вакиллари, мутахассислар ҳам киритилади.

Агар моддий жавобгар шахс меҳнат таътилида ёки узоқ вақтдан бери касал бўлса, айрим аудиторлар инвентаризация ўтказишни ўша шахсиз бажаришга қарор қилиб катта хатога йўл қўйишади.

Агар моддий жавобгар шахс узрли сабаб билан ишда бўлмаса, аудитор омборхонани муҳрлаб қўйиб, инвентаризация ўтказишни у ишга тушгандан сўнг бажариши лозим.

Аудитор инвентаризация қилишни бошлашдан олдин омборчидан инвентаризация бошланадиган сана учун тайёр маҳсулотларнинг кирими ва чиқими бўйича ҳисобот тузиб, унинг бир нусхасини ташкилот бухгалтериясига топширтиради ва иккинчи нусхасини аудитор ўзига олади. Бундан ташқари, аудитор моддий жавобгар шахсдан бойликларнинг кирими ва чиқимига доир барча ҳужжатлар бухгалтерияга топширилганлиги ва уларда кирим қилинмай қолган ёки чиқимга ҳисобдан ўчирилмаган ҳеч қандай моддий бойликлар йўқлиги ҳақида тилхат олади. Тайёр маҳсулотларни сотиб олиш учун ҳисобдорлик суммаси ёки уларни олиш учун ишончномага эга шахслардан ҳам шу мазмунда тилхат олинади.

Шундан сўнг комиссия аъзолари тайёр маҳсулотларни текширишга киришади, яъни уларни тарозида тортиш, қайта санаш ёки ўлчаб кўриш йўли билан ҳақиқий қолдиқларини аниқлайди. Аудиторлар инвентаризацияни бошлашдан олдин тарозилар ва бошқа ўлчаш асбобларининг аниқ ишлашига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Айрим аудиторлар тортиш, ўлчаш, санаш ишларини ўзлари бажаришга ҳаракат қилишади, ҳисобчи ходим ёки моддий жавобгар шахс бу вақтда ўлчаш натижаларини қайд қилиб туради. Бироқ, бундай қилиш нотўғри. Аудитор тортиш, санаш, ўлчаш ишларини тўғри бажарилаётганлигини кузатиб туриши ва натижаларини ўзи ёзиб бориши лозим. Шунингдек, тушунмовчиликлар рўй бермаслиги учун моддий жавобгар шахс ҳам текширув натижаларини ёзиб бориши керак. Вақти-вақти билан бу ёзувлар солиштирилиши зарур.

3.3. “САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АЖДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

Саноат корхоналарида, ташкилотларида хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари, кодексига ёзиб қўйилган. Ушу меъёрий ҳужжатларга асосан «Самарқанд Дон Маҳсулотлари» АЖда ҳам хавфсизликни таъминлаш борасида етарли ишлар қилинган. Шу билан бирга, жамиятда меҳнат шароити ҳам республикамиздаги қонунчиликка асосан ташкил этилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни саноат корхоналарида ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб борувчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириши ва даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосан ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидан келиб чиқади. Бу меҳнат битимини тузиш мажбурияти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан белгиланган. Бу қонуният сифатида қуйидагича тақлид қилинади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган ишни корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва жамоат битимида кўзда тутилган маълум миқдордаги мажбуриятлар мундарижасини ўз зиммасига олади.

Меҳнат Кодексида кўзда тутилган мажбуриятлар қуйидагилар:

ҳар бир ишчи, хизматчи учун иш мутахассислиги ва малакасига қараб маълум машина, станок ва бошқалардан иборат иш жойи ташкил қилиш, соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил қилиш, сифатли иш куроллари билан таъминлаш, саноат ва меҳнат интизомини, ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, иш шароитини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлашга қаратилган техник жиҳозлар ўрнатиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бундан ташқари, раҳбар ходимларга хизмат вазифалари ҳам юкланади. Бу вазифалар бошқариши лозим бўлган лавозими тақозо қиладиган тавсияномада белгиланган бўлади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиланган меъёрларда махсус кийим, поябзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Вазирликлар, идоралар, консернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари қасаба уюшмалари Марказий (Республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни

муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қараши натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари бузилиб, бахтсиз ҳодиса рўй беради. Бахтсиз ҳодисанинг оғир, енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора-тадбирлари белгиланган.

Интизом жавобгарлиги. Ҳар бир саноат корхонаси ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган.

Талабларни бажармаслик бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг тартиб-қоидаларга амал қилмаслиги иш режимининг бузилишига, кассалик, бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва бошқа ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Раҳбар ходимлар жамоа битимида кўрсатилган талабларни, юқори ташкилот буйруқларини бажармаганликлари ва асосан хавфсизлик техникаси, саноат гигиена-санитарияси талаб-қоидаларига амал қилинмаганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик қўйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

1. Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар).
2. Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва мусодара қилиш усули қўлланилади.
3. Тартиб бузувчининг шахсига таалуқли бўлган жавобгарлик (ахлоқ тузатиш ишлари, маъмурий – қамоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

Меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларини бузган ишчи ва хизматчиларга маъмурий жавобгарлик тартибида огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар ва маълум миқдорда жарима тўлаш белгиланади. Жарима ва огоҳлантириш буйсуниш тартибида раҳбар ходимлар томонидан эмас, балки меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорат органлари ёки шаҳар ва туман депутатлари кенгаши ижроия қўмиталари томонидан ташкил қилинган комиссияларнинг қарори билан белгиланади.

Жиноий жавобгарлик. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг кўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиш содир бўлса ёки бахтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани бузишда айбланган раҳбар ҳодим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий жавобгарлик раҳбар ходимни вазифасидан четлатиш ёки маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

Моддий жавобгарлик. Бу ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонага келтирилган моддий зарарни қоплашдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларининг ишчи ва хизматчи томонидан бузилиши натижасида саноат корхонаси моддий зарар кўрса, шу зарарнинг бир қисмини ёки ҳаммасини айбдор шахс томонидан тўланиши

моддий жавобгарлик чорасига киради. Моддий жавобгарлик чегараланган ва тўлиқ жавобгарлик тартибида белгиланиши мумкин.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва саноат корхоналарида касб касалликлари ва жароҳатланишга олиб келадиган омилларни бутунлай йўқотиш саноат корхоналари раҳбарлари олдига қўйилган асосий вазифа ҳисобланади.

Йўриқномаларни асосан тўрт гуруҳга бўлиб қараш мумкин:

- 1) кириш йўриқномаси;
- 2) иш жойидаги йўриқнома;
- 3) вақти-вақти билан ўтказиладиган йўриқнома
- 4) режадан ташқари йўриқнома.

Саноат корхоналарининг ҳаммасида иш категорияси ва хавфли даражаси қандай бўлишига қарамай барча ишчи ва хизматчилар иш даври, мутахассислиги ва малакасида қатъий назар йўриқномадан ўтишлари шарт. Шу жумладан, «Самарқанд Дон Маҳсулотлари» АЖда ҳам барча ишчи ва хизматчилар йўриқномадан ўтказилади. Мисол учун, биз ушбу корхонага битирув олди амалиётини ўташ учун борганимизда кириш йўриқномаси билан таништирилдик. Унда бизга корхонанинг хавфсизлик техникаси билан таништирилдик.

Кириш йўриқномаси. Ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу йўриқноманинг асосий мақсади – ишга кираётганларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни саноат корхонаси майдонлари ва сехларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш йўриқномаси яхши жиҳозланган ва кўргазмали қуроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида, хавфсизлик техникаси инженери томонидан ўтказилади.

Кириш йўриқномаи вақтида ишга кираётган ишчи қуйидаги ҳолатлар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари, саноат корхонасида йўлга қўйилган ички тартиб қоидалари, саноат корхонаси майдонида ва сехларида

ўзини тутиш қоидалари, саноат корхонасидаги хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини ташкил қилиш, ишчига топширилган машина ва механизмларни саромжон ва озода сақлаш қоидалари, махсус иш шароити ташкил қилинган айрим сеҳ ва бўлимлар билан таништириш, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш қоидаларини тушунтириш бунда асосий диққат эътиборни ҳар хил эритувчилар, кислоталар, енгил алангаланувчи суюқликлар, сиқилган ҳаво, электр токи хавфи мавжуд бўлган сеҳларга қаратиш керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоида, норма ва инструкцияларининг бузилиши натижасида вужудга келган бахтсиз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилиши керак. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда ўзини қандай тутиш ҳақида тушунча берилади, алкоғолли ичимликлар бахтсиз ҳодисага олиб келиши ҳақида айтиб ўтилиши шарт. Кийим бош, махсус оёқ кийими ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари, санитар-гигиена шароитларига эътибор бериш, санитар маиший хоналардан фойдаланиш тартиби, бахтсиз ҳодиса рўй берганда, бахтсиз ҳодисага учраган кишига врач келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Иш жойидаги йўриқнома. Ишга янги кирган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган, бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган, агар бу ўтказишлар вақтинча бўлишидан қатъий назар иш жойидаги йўриқномадан ўтказилиши шарт.

Иш жойидаги йўриқномада қўйидагилар тушунтирилиши керак: ишчининг доимий ишлаш жойи, сеҳдаги технологик жараён ва хавфли участкалар, ишчининг доимий ишлаши зарур бўлган машинанинг ёки станокнинг тузилиши, машинанинг хавфли жойлари, муҳофаза қурилмалари ва бошқа сақловчи воситалар, уларнинг вазифаси ва улардан фойдаланиш қоидалари. Ишга тайёрланиш қоидалари, станокнинг созланганлигини текшириш, юргизиш ўчириш асбобларининг ишлаши, станокнинг ерга уланганлиги, ёрдамчи ва асосий қуролларнинг мавжудлиги. Шахсий

муҳофаза аслаҳаларининг вазифалари ва улардан фойдаланиш қоидалари, иш кийимлари, махсус кийимлар, оёқ кийимлари ва бош кийимларга қўйиладиган талаблар.

Иш жойидаги йўриқномани мастер ёки бригадир ўтказди.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган йўриқнома. Бу йўриқномани ўтказиш вақтини фабрика, завод касабаси уюшмаси комитетлари билан келишган ҳолда, саноат корхонасининг раҳбари белгилайди. Бу йўриқноманинг мазмуни иш жойидаги йўриқнома мазмуни билан бир хил. Йўриқнома кириш йўриқномаи сингари ҳамма ишчилар иш стажи, малакаси, разрядидан қатъий назар ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари йўриқнома. Бу йўриқнома технологик жараённинг ўзгариши, янги машина ва станоклар киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши сабабли ишчиларнинг хавфсизлигини сақлаш учун билимлари етишмаслиги сезилганда ўтказилиши мумкин.

Шу саноат корхонасига ўхшаш корхонада авария сабабли бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам, режадан ташқари йўриқнома ўтказилади.

Кундалик йўриқнома. Наряд-допуск билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошлашдан олдин ўтказилади. Бу йўриқнома ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-допускка ёзиб қўйилади.

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади. Кўп ҳолларда ёниш ёнувчи модда заррачаларининг нурланиши билан бирга кечади. Ёнғин ҳосил бўлиши ва давом этиши учун ёнувчи модда (қаттиқ, суюқ ёки газсимон), оксидловчи модда (оддий шароитда оксидловчи модда вазифасини ҳаводаги кислород ўташи мумкин) ва ёндирувчи манба (учқун, очиқ аланга ва чўғланган нарса) мавжуд бўлиши керак. Шунини айтиш керакки, ҳаводаги кислород миқдори 15%дан юқори

бўлгандагина оксидловчи вазифасини бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш содир бўлмайди. Бундан ташқари, оксидловчи модда вазифасини тегишли шароитларда хлор, бром, калий ва бошқа моддалар ҳам ўташи мумкин.

Хавфлилиги бўйича барча модда ва ашёларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ёнмайдиган, ёниш ёки ёниш ва портлаш хавфи мавжуд ҳамда портлаш хавфи мавжуд моддалар.

Ўт ўчириш воситалари асосан уч турга бўлинади:



1-расм. Ўт ўчириш воситаларининг турлари

Сув ўтни ўчиришда энг кенг тарқалган моддadir. Ўзининг қуйидаги хусусиятлари туфайли ўтни ўчиришда энг афзал ҳисобланади. Иссиқлик сиғими катта, ёнаётган юзага тушганда унинг иссиқлигини ютиб олади. Юқори ҳароратли юзаларга тушган сув тезда буғланади. Буғланиш натижасида унинг ҳажми 1700 марта ортади ва вақтинча ёнаётган юзани камраб олиб, ҳаводаги кислород миқдорини камайтиради. Сувнинг юзаларини ҳўллаш хусусияти ёнғиннинг тарқалмаслигида катта рол ўйнайди. Унинг сирт таранглиги кичик ($0,073 \text{ н/м}$) бўлганлиги учун ёнаётган моддаларнинг тирқиш ва тешикларига тезда кириб, уларни совитади.

Сўнги йилларда сув нефт маҳсулотларини ҳам ўчиришда ишлатилмоқда. Ёнғин бўлаётган юзаларга у майда заррачалар ҳолида сепилади. Бу майда (0,1-0,5 мм катталиқдаги) томчилар тезда буғланади ва буғланаётган суюқлик юзасини қамраб олиб кислородни ўтказмайди. Шунингдек, сув охириги пайтларда ўт ўчиришда кенг қўлланилаётган ҳаво-механик кўпик ҳосил қилишда ҳам ишлатилади.

Ўт ўчиришда сувнинг салбий хусусиятларидан бири электр токини ўтказувчанлигидир. Бу кучланиш остида бўлган ускуналарни ўчириш имкониятини бермайди. Бундан ташқари, сув айрим моддалар (калий, натрий) билан кимёвий реакцияга киришиб парчаланади. Парчаланиш натижасида ажралиб чиқадиган водород портлаши мумкин, кислород эса ёнишни кучайтиради. Шунингдек, сув билан калций карбидини ҳам ўчириб бўлмайди, чунки унга сув текканда ёнувчи газ – ацетилен ажралиб чиқади.


Кўпик ёнаётган юзага тушгач, уни қоплаб олиб, кислород киришидан тўсади ва ажралиб чиқаётган суюқлик ёнаётган юзани совитади. Кўпик асосан қаттиқ моддалар ва ёнувчан суюқликларни ўчиришда ишлатилади. У пайдо бўлишига кўра икки хил бўлади: кўпик ҳосил қилувчи қоришмани ҳаво оқими билан механик аралаштирув орқали олинадиган ҳавомеханик ва ишқор эритмаси билан кислотанинг аралашishi натижасида пайдо бўладиган кимёвий кўпик.

Маълумки, ёнғин пайтида ёнаётган юзаларни қоплаш учун кўплаб миқдорда кўпик ҳосил қилиш керак бўлади. Бунинг учун кўпик ҳосил қилувчи модда (пенообразовател)ларни кучли босимдаги сув ёки ҳаво билан аралаштирилади. Бу жараён махсус узлуксиз ишловчи аппаратлар – кўпик генераторлари ёрдамида амалга оширилади. Кўпик ҳосил қилувчи моддалар кукун ҳолида бўлиб, одатда бирон-бир кислотанинг (кўпинча олтингугурт кислотасининг) тузидан ва ишқорий қисми эса натрий бикарбонатнинг аралашмасидан ташкил топади.

Кўпик генераторлари икки турли бўлиб (ПГ-50М ва ПГ-100), ёнувчи ҳамда енгил алангаланувчан суюқликларни ўчиришда ишлатилади ва фақат ўлчамлари билан фарқланади.

Ҳозирги пайтда кўпик ҳосил қилиш унумдорлиги катта бўлган кўпик генераторлари (ГПС-200, ГПС-600 ва ГПС-2000) қўлланилмоқда. 3-расмда ГПС-200 кўпик генераторининг схемаси кўрсатилган.

1-металл тўр; 2-қобик; 3-конфузор; 4-марказдан қочма пуркагич.



2-расм. ГПС-200 кўпик генераторининг схемаси

Кўпик ҳосил қилувчи қоришма марказдан қочма пуркагичга узатилади. Қоришманинг томчилари қобикда конфузор орқали ташқаридан келаётган ҳаво билан аралашади. Бу аралашма металл тўр катакларидан ўтиб қарралиги 80 га тенг бўлган кўпик ҳосил қилади ва ёнаётган юзаларга юналтирилади.

Ўт ўчирувчи асбоблар дастлабки ўт ўчириш воситаси бўлиб, ёнғиннинг бошланғич даврида, унинг кучайиб, тарқалиб кетмаслиги учун ишлатилади. ГОСТ 12.2.047-80 «Ўт ўчириш техникаси. Атама ва қоидалар»да ўт ўчирувчи модданинг турига қараб қуйидаги хилларга бўлинади:

1. Суюқлик воситасидаги (фаол юзали моддалар қўшилган сув ёки турли кимёвий бирикмаларнинг сувдаги эритмалари); карбонат кислотали (суюлтирилган карбонат диоксида); кимёвий-кўпикли (кислота ва ишқорларнинг сувдаги эритмаси); ҳаво-кўпикли (кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг сувдаги эритмаси билан сиқилган карбонат ангидрид гази ёки ҳавонинг аралашмаси); хладонли (галлоидланган углеводород асосидаги

кукунли моддалар – бромли этил, хладон ва бошқалар); кукунли (карбонат икки оксидли сода асосидаги куруқ кукунлар); аралашма ҳолидаги (кукунлар ва кўпик ҳосил қилувчилар).

2. Ўт ўчирувчи модданинг миқдори ва ўлчамлари бўйича – кам ҳажмли (ҳажми 5 литр, 10 литрли), кўчма ва ҳажми 25 литрдан кам бўлмаган стационар ускуналар.

Карбонат кислотаси ўт ўчириш асбоблари ҳаво кирмаганда ҳам ёна оладиган моддалардан (пахта толаларидан) бошқа турли моддаларни ўчиришда ишлатилади. Шу билан бирга 100 В. гача кучланиш остида бўлган электр ускуналарини ҳам ўчиришда ишлатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда карбонат кислотали ўт ўчириш асбобларининг ОУ, ОУ-2А, ОУ-5, ОУ-8, ОУ-2ММ ва ОУ-5ММ русумлари чиқарилаяпти.

Кимёвий кўпикли ўт ўчириш асбоблари қаттиқ моддаларни ҳамда майдони 1 м². гача бўлган суюқ ёнувчи моддаларни ўчиришда ишлатилади. Улар билан кучланиш остидаги ускуналарни ўчириб бўлмайди.

Ҳаво-кўпикли ўт ўчириш асбоблари ишқорли элементлар ва электр ускуналаридан ташқари турли моддаларни ўчиришда ишлатилади.

Ўт ўчиришнинг дастлабки воситалари энди бошланаётган ёнғинларни ўчириш учун ишлатилади. Улар бионинг ичида ёки кираверишида, омборлар ёнида, қизил ранга бўялган махсус тахта шитларига осиб қўйилади. Бу воситаларга ўт ўчириш учун ишлатиладиган асбоблар (болта, белкурак, мисранг, чангак, челак), асбест матоси ёки техник кигиз, бочкада сув, яшиқда кум ва ўт ўчирувчи (кўпикли, карбонат ангидридли ва кукунли) асбоблар, шу билан бирга ўт ўчиришнинг ички водопровод тизими ҳам киради. Жумладан, биз тадқиқот ўтказган «Самарқанд Дон Маҳсулотлари» АЖда ўт ўчиришнинг дастлабки воситаларини 2–расмдан кўришимиз мумкин.

ГОСТ 12.1.004-85(90) МХСМ «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблар»га биноан барча ишлаб чиқариш хоналари ва омборлар дастлабки ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши керак. Шу сабабли ҳам,

«Самарқанд Дон Маҳсулотлари» АЖнинг барча омборлари ва ишлаб чиқариш сехлари дастлабки ўт ўчириш воситалари билан таъминланган.

Механизациялашган ўт ўчириш воситаларига сув насослари ва автомашиналар киради. Сув насослар (мотопомпалар) умумий асосга ўрнатилган двигател ва марказдан қочма насосдан таркиб топган агрегатдир.

Булардан ташқари, ўт ўчирувчи моддаларни (сув, ҳаво-механик ёки кимёвий кўпик) етказиб бериш мақсадида ёнғин автомашиналари ишлатилади. Уларга автоцистерналар, шланг-насосли автомобиллар, поездлар ва бошқалар киради.

Ўт ўчирувчи автомобилларнинг (автоцистерна ва автонасослар) асосий агрегати, марказдан қочма ёнғин насоси бўлиб, у сув ёки бошқа суюқ ўт ўчирувчи аралашмаларни ёнғин чиққан ерга етказиб беради.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона сехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин

бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қаватли биноларда ҳар бир қаватнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бионинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг эркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, темир йўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қулдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

Корхона ҳудудида бино ва иншоотларга ўт ўчириш машиналари кириб келадиган йўл кўзда тутилган бўлиши керак. Бино ва иншоотнинг эни 18 м. гача бўлганда бу йўл бинонинг бир томонида, 18 м. дан катта бўлганда эса икала томонида қурилиши лозим. Қатнов бир томонлама бўлганда йўлларнинг эни камида 3,75 м., икки томонлама бўлганда эса камида 7,5 м. бўлиши керак. Корхона майдонидаги одамлар ва машиналар юрадиган йўлаклар боши берк, айланма ёки аралаш бўлиши мумкин. Йўлнинг боши берк бўлганда унинг охирида ўт ўчирувчи машиналар бурилиши учун камида 10 м. радиусли бурилиш жойлари ёки 12x13 м. ўлчамли майдончалар кўзда тутилиши лозим.

Ёнғинга қарши деворлар (брандмауерлар) ўтга чидамлилиқ чегараси камида 2,5 соат бўлган, бинонинг қийинлик билан ёнадиган ҳамма қисмларини кесиб ўтадиган яхлит девордир. У бинонинг тоmidан 60 см. ва ён деворидан 30 см. чиқиб туради.

Ёнғинга қарши минтақалар эни камида 6 м. ли ёнмайдиган қоплама бўлақлардан ташкил топган бўлиб, улар ёнмайдиган таянчларга таяниб туради ва бинони бутун узунлиги ёки эни бўйича кесиб ўтади. Минтақаларнинг учлари вертикалига тўлқин шаклида ишланиб, бинонинг тоmidан камида 0,7 м. чиқариб қўйилади. Ёнғинга қарши минтақалар кўтариб турувчи қисмларнинг ўтга чидамлилиқ чегараси 2,5 соатдан кам бўлмаслиги лозим. Технологик жараённинг шарт-шароитларига кўра ёнғинга қарши деворларни қуриш мумкин бўлмаган ҳолларда ёнғинга қарши минтақалар қўлланилади. Одатда, аланганинг бино ичига киришининг олдини олиш учун ёнғинга қарши минтақаларда фаввора ўрнатилади.

Ёнғинга қарши эшиклар ички деворлардаги эшик ўринлари орқали бир сехдан бошқасига тарқалишини чеклаш учун қурилади. Тузилишига кўра улар тез эрийдиган қулфи ишлаб кетганида ўз-ўзидан суриладиган ёки пастга тушадиган бўлиши мумкин. Ушбу эшиклар ўтга чидамлилиқ чегараси 1,2 соатдан кам бўлмаган, қийинлик билан ёнадиган ашёдан тайёрланади.

Одамларни ёнғин чиққанда хавфсиз эвакуация қилиш учун ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларда махсус чиқиш жойлари кўзда тутилади. Эвакуация чиқиш жойларига олиб боровчи, одамларнинг тез ва хавфсиз ҳаракатини таъминловчи йўл, йўлак, майдонча, зина ва нарвонлар эвакуация йўллари деб аталади. Биз тадқиқот ўтказган «Самарқанд Дон Маҳсулотлари» АЖда ёнғин чиққанда одамларни эвакуация қилиш учун ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларда махсус чиқиш жойлари кўзда тутилмаган. Бундан кўринадикки, жамиятда агарда ёнғин чиқса одамларни эвакуация қилиш учун етарлича шароит мавжуд эмас. Лекин, жамият ҳовлисида ишлаб чиқариш бинолари орасида автомобил йўллари қурилган. Шу орқали одамларни эвакуация қилиш мумкин.

Ёнғин чиққанда одамларни муваффақият билан эвакуация қилиниши учун ҳар бир хонанинг яхши кўриниб турадиган жойига эвакуация режаси осиб қўйилиши, ҳар бир ишчи-хизматчи бу режани билиши керак. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки «Самарқанд Дон Маҳсулотлари» АЖда ёнғин содир бўлганда одамларни эвакуация қилиш режаси осиб қўйилмаган.

Республикамиздаги барча хўжалик юритувчи субъектлар қулай ва соғлом меҳнат шароитларини яратиб беришга мажбурдирлар. Зероки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам шуни тақозо этмоқда.

Хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлайдиган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам ошади. Айнан шу мақсадни кўзлаб, биз тадқиқот олиб борган «Самарқанд Дон Маҳсулотлари» АЖ ҳам ўз ходимларига хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиб бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, корхонада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги борасида етарли ишлар амалга оширилган. Жумладан, ходимларнинг меҳнат қилишлари учун ёруғлик тизимлари ҳам замон талабларига мос келади. Шунинг билан бирга корхонада ишчиларга махсус санитария хизмати ҳам ташкил этилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамызда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ТМЗлар ҳисоби ва аудитдан ўта муҳим ҳисобланади.

Олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакат ички ресурсларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш бугуннинг асосий вазифаларидан бири.

2. ТМЗларга ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва товарлар киради.

3. Тайёр маҳсулот деганда ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортиқ қайта ишловни талаб қилмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга қабул қилинган тайёр буюмлар тушунилади.

4. Корхона маҳсулотни истеймолчилар билан тузилган шартномалар, режа топшириқлари асосида бозор талабларини ўрганиш каби масалаларга катта эътибор берган ҳолда ишлаб чиқаради. Ҳозирги шароитда самарадорлиги юқори бўлган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Уларда маҳсулот реализацияси муҳим иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

5. ТМЗлар аудити муҳим объектлардан бири ҳисобланади. ТМЗлар бўйича аудитининг асосий вазифалари ишлаб чиқилди ва уларга қуйидагилар киради:

- ТМЗларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олинганлигини текшириш;
- Омбордаги захираларнинг ҳолатини ва бутлигини текшириш .

- Тайёр маҳсулотларни тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратилганлигини текшириш;
- Тайёр маҳсулотни тўғри баҳоланганлигини текшириш;
- ТМЗлар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини текшириш;
- ТМЗларга моддий жавобгарликни таъминлаш, моддий жавобгар шахслар томонидан ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тузилиши, тақдим этилганлигини текшириш;
- ТМЗларнинг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниқлаш ва ҳисобга олинишини текшириш;
- Тайёр маҳсулотларни ўз вақтида сотилиши, чунончи таннархдан паст баҳоларда сотилмаслиги, омборларда меъёридан ортиқ захираларни тўпланиб қолинишига йўл қўймаслик устидан назорат ўрганиш.

ТМЗларнинг аудитида қайси баҳоларда ҳисобга олинганлигини ўрганиш зарур ва улар қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- Ишлаб чиқаришдан олинганда – ҳақиқий таннархи бўйича;
- Таъсисчилардан олинганда – келишув баҳосида;
- Қайтариб бермаслик шарти билан бепул келиб тушганда – эксперт йўли билан аниқланган қийматда;
- Баҳосини реал аниқлаш қийин бўлган буюмлар бўйича- режали (норматив) баҳода.
- Харидоргирлигини йўқотган, сифати паст ёки шикастланган ҳолларда- соф сотиш қийматида (таннархдан паст бўлган қийматда).

6. Умуман олганда корхонада ТМЗларнинг кирими ва чиқимини акс эттүрүвчи хўжалик операциялари 21-сон БХМСга асосан уларнинг моҳиятини очиб берувчи счётларда акс эттирилмоқда.

7. Корхонада ички аудит хизмати йўлга қўйилган. Корхона ички аудитор хизмати бошлиғи И.Мамаюсупов, ва ички аудитор ёрдамчиси

Ш.Курбоновлар ҳисобланади. Биз тадқиқотимиз жараёнида корхонанинг 2015 йилги ички аудиторлик ҳисоботи билан танишдик.

8. Корхона ташқи аудиторлик текширувидан 2016 йилда “Комил ишонч” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилган ва ижобий аудиторлик хулосаси берилган.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб қуйидагилар таклиф қилинмоқда:

1. Корхона ўз ҳисоб сиёсатида тайёр маҳсулотлар бўйича қуйидагиларни белгилаб қўйиши лозим:

- Ишлаб чиқариш захираларни баҳолашнинг турларини кўрматиш;
- тайёр маҳсулотларнинг таннархини калкуляция қилиш усуллари.

2. Корхонада моддий жавобгар шахсларнинг материал ҳисоботларини тузишни янада такомиллаштириш лозим. Чунки ҳозирги кунда корхонада моддий жавобгар шахснинг ҳисоботида айрим камчиликлар мавжуд. Бундай камчиликлар корхонада ҳисоботларнинг кўрсаткичларига ҳам таъсир этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий материаллар

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Расмий нашр.Т.: “Адолат”, 2010.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 феврал, № ПФ-4947.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2007 йил 4 апрел, № ПК-615.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори. 2016 йил 27 декабрь. № ПК-2699.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом».

1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори. 2000 йил 22 сентябр, № 365.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш меъёрларини такомиллаштириш тўғрисида” Қарори. 2002-йил 28-феврал 71-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 16 ноябр, № 215.
12. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи» газетаси. 29 (3828)-сон. 11.02.2006.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.— Халқ сўзи. 2017-йил 16-январ.
14. Ш.М. Мирзиёев Халқимизнинг розилиги барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаидир. Халқ сўзи. 29.03.2017.

II. Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари ва Қўмиталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

15. “Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи” 700-сон Аудит халқаро стандарти. Тошкент, 2005 йил.
16. 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатга олинган, № 474.

17. 3-сон БҲМС «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 484.
18. 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» Ўз.Р.Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23-октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.
19. 3-сон АФМС “Аудитни режалаштириш”. ЎзР. АВ томонидан 1999-йил 10-ноябрда рўйхатга олинган. № 837
20. 70-сон АФМС “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳулосаси”. ЎзР. АВ томонидан 2001-йил 10-мартда рўйхатга олинган, № 1016

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

21. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.
22. Дўсмуратов Р.Д., Мусаев Ҳ.Н Файзиев Ш.Н, Қўзиев И.Н, Авлоқулов А.З., Пўлатов Ғ.Н. ва бошқалар. Аудит. I қисм.-Т.:Иқтисод-молия, 2008
23. Каримов А.А. ва бошқалар.Бухгалтерия ҳисоби.Дарслик.–Т.:«Шарқ», 2004.
24. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б
25. Очилов И., Н.Ризаёв., Б.Болибеков. Молиявий ва бошқарув ҳисоби.Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2006.
26. Раҳимова Ҳ. ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш.– Т.: «Ўзбекистон», 2003 й. – 216 б.
27. Тўлахўжаева М.М. ва бошқалар. Молиявий ҳисоб. Т., Корпорация «Прагма», 2003.
28. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъруза матнлари тўплами. I- II қисм. Самарқанд-2004.
29. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобонинг хусусиятлари.-Т.: “Адиб нашриёти”, 2011

30. Қурбонов Ж.М., Ж.Файзиев. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси (лотин ёзувида). – Самарқанд, СамИСИ, 2009 й. – 166 б.

IV. Интернет сайтлари:

www.press-service.uz

www.stat.uz

www.advantour.com/rus/

www.finanaliz.kiev.ua/

www.tfi.uz

www.ziyo.net